

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ

@ VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефон орқали сканер қилинг.



2020 йил 29 май, №22 (2877)

Калитан Ғайрат МАДРАХУМОВ суратга олган

12-бетда

ЮКСАК ИШОНЧНИ ОКЛАЁТГАН КҮМОНДОНЛИК

● Вазирлар Маҳкамасининг «Ватанимиз шонли тарихида ўчмас из қолдирган довлар саркарда Жалолиддин Мангуберди жасоратини кенг тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Унга кўра, 2021 йил ноябрь ойида «Жалолиддин Мангубердининг дунё тарихида тутган ўрни» мавзuida халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланади.

● Бу йил карантин туфайли мактабларнинг 1-синфларига қабул июнь ойидан эмас, июль ойидан бошланади.

Амалдаги тартибга кўра, ҳар йили 1 июндан 31 августга қадар республикадаги барча мактабларнинг 1-синфига қабул жараёнлари амалга оширилган.

● Самарқанд шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмининг бўш турган 18 гектар ер майдонида 100 ўринли юқумли касалликларга чалинган беморларни даволашга мўлжалланган замонавий шифохона мажмуаси қурилиши бошланди.

Шунингдек, мазкур ҳудудга туташ ҳарбий шаҳарчадаги 9 гектар майдонда 1 000 ўринли карантин комплекси қурилиши бошланди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

O'ZBEKISTON



3 «ҲИЖРОН КЕЧАЛАРИ ҲОЯТДА УЗУН»

9 АҚШ ВА РОССИЯ АРМИЯЛАРИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

19 «...МАНГУ АСКАР ЙИГИТЛАР»

22 БОЛА ТАРБИЯСИГА ҚАНЧАЛИК ЭЪТИБОРЛИСИЗ?

14-бетда

ДУНЁ ТАРТИБОТИНИНГ АДОЛАТЛИ МОДЕЛИ БОРМИ?

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press

facebook.com/UzArmiya

instagram.com/uzbekistanarmy

«ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ – АФҒОНИСТОН» ШАКЛИДАГИ БИРИНЧИ МАЖЛИС ТЎҒРИСИДА

27 май кuni видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган «Ўзбекистон – АҚШ – Афғонистон» биринчи уч томонлама мажлиси бўлиб ўтди. Бу ҳақда Ташқи ишлар вазирлиги хабар берди.

Тадбир Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Девид Хейл ва Афғонистон ташқи ишлар вазири Ҳаниф Атмар иштирокида ўтди.

Ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари «Ўзбекистон – АҚШ – Афғонистон» уч томонлама мажлис Афғонистондаги тинчлик жара-

ёнини илгари суриш, мамлакат иқтисодиётини тиклаш, шунингдек, ушбу давлатни минтақавий иқтисодий жараёнларга фаол жалб этишга қаратилган амалий таклифлар тайёрлаш бўйича долзарб маслаҳатлашув механизми эканини қайд этдилар.

Томонлар Афғонистон инклюзив ҳукуматини шакллантириш ва Миллий ярашув бўйича Олий кенгаши ташкил этиш тўғрисидаги жорий йил 17 майда имзоланган сиёсий битим тузилишини, Афғонистон ҳукумати ва «Толибон» ҳаракати томонидан маҳбусларни озод қилиш амалиёти давом эттирилишини юқори баҳолади.

«Сурхон – Пули – Хумри» электр узатиш линияси, Покистон денгиз портларига чиқиш имконини берувчи «Мозори-Шариф – Кобул», «Мозори-Шариф – Хирот» темир йўллари қурилиши каби муҳим лойиҳаларни жадал ҳаётга татбиқ этиш зарурлиги таъкидланди.

Видеоконференция иштирокчилари қайд этганидек, COVID-19 пандемияси афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, аввало, дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини таъкидлаш эътиборига эришилди.

Мулоқот чоғида АҚШ ва Афғо-

нистон вакиллари Ўзбекистон раҳбариятига Афғонистонга товарларни узлуксиз етказиб беришни, шунингдек, коронавирус тарқалиши даврида транзит юк ташишни таъминлагани учун миннатдорлик изҳор этди.

Ишни оптималлаштириш ва уч томонлама шаклда ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш мақсадида томонлар муҳокама қилинган ҳамкорлик йўналишлари бўйича тегишли ишчи гуруҳларини ташкил этишга келишиб олдилар.

Тадбир якунида «Ўзбекистон – АҚШ – Афғонистон» уч томонлама учрашувининг Қўшма баёноти қабул қилинди.

ТУРИЗМ ВА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ СОҲАЛАРИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 май кuni туризм ва давлат активларини хусусийлаштириш соҳаларидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Коронавирус пандемияси туризм соҳасига салбий таъсир кўрсатди. Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, 2020 йил якунлари бўйича халқаро саёҳатлар 89 фоизга, иш ўринлари 74 миллионга қисқариши, соҳадаги жами йўқотишлар 800 миллиард долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Маълумки, жорий йил 16 мартдан мамлакатимиз ташқи ва ички туристлар учун ёпилган эди. Оқибатда 1,5 мингдан орტიқ туроператор, 1,2 мингта меҳмонхона ўз фаолиятини тўхтатди.

Бу гидлар, миллий ҳунармандчилик, зиёратгоҳ ва сихатгоҳлар, умумий овқатланиш, транспорт ва бошқалар билан қўшиб ҳисоблаганда, 250 мингдан орტიқ аҳоли даромадига жиддий таъсир қилди.

Пандемиянинг оқибатларини юмшатиш мақсадида бу соҳага ҳам қатор энгилликлар берилди. Жумладан, 1 750 та субъектга мол-мулк, ер ва ижтимоий солиқлардан 60 миллиард сўмга яқин имтиёз тақдим этилди. Лекин бу имтиёз ва преференциялар вақтинчалик. Доимий барқарор ривожланиш учун эса пандемия шароитида ишлашга ўрганиш зарур.

Шу боис бу борадаги хорижий тажриба ўрганилди. Хусусан, «Uzbekistan. Safe travel guaranteed» («Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган») бренди остида туристлар учун санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизими ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарига ушбу лойиҳа тақдимот қилинди. Шунингдек, мамлакатимизда ички туризмни тиклаш ва ривожлантириш борасидаги режалар билан танишди.

Президентимиз биринчи босқичда «яшил» ҳудудлар ўртасида ички туризмга рухсат бериш зарурлигини таъкидлади. Тоғли жойлар ва кўл бўйларидан энгил конструкцияли дам олиш масканларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди. Ҳокимлар билан биргаликда кўча дам олиш масканлари дислокацияси тасдиқланиб, электрон порталга жойлаштирилади.

Иккинчи босқичда коронавирус касаллиги жиловланган давлатлар рўйхатини шакллантириб, улар билан туризм алоқаларини босқичма-босқич тиклаш кераклиги таъкидланди.

– Туризм фаолиятини қайта тиклаш ўчун, энг аввало, меҳмонхоналар қандай ишлайди, туристлар аэропортда қандай қабул қилинади, уларнинг мамлакат ичида ҳаракатланиши қандай ташкил этилади, деган саволларга аниқ жавоб бўлиши керак. Белгиладиган меъёрлар содда, лекин касалликнинг олдини олиш учун етарли бўлиши лозим. Мисол учун, битта ҳолат аниқланса, бутун меҳмонхона карантинга олишга зарурат бўлмайдиган тизим ишлаб чиқиш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Туризм йўналишида тадбиркорлар кўрган зарарни яқин 1-2 йил ичида тўлиқ қоплаш қийин. Шу боис Президентимиз бу соҳага қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш лозимлигини таъкидлади.

Хусусан, туристик йиғимлардан озод қилиш бўйича аввал берилган имтиёз йил якунига қадар узайтирилади. Шунингдек, соҳа корхоналари фойда

солиғини ҳисоблашда 2020-2021 йилдаги кўрган зарарларини кейинги йиллар фойдасидан чегириб ташлашга рухсат берилди.

Меҳмонхоналарга кўрсатган хизматнинг 10 фоизи миқдоридан субсидия ажратилади. Бундан ташқари, уларга айланма маблағ учун кредит фоиз тўловларининг 10 фоизгача бўлган қисмига субсидия берилди.

* * *

Рақобат – иқтисодиётнинг муҳим асосларидан бири. У маҳсулот ва хизматларда сифатни таъминлаб, аҳолига танлов имкониятини яратди. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш ва монополияга қарши курашиш бўйича қўриқилган чоралардан мақсад ана шу.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда унга мувофиқ 2019 йил 14 январда қабул қилинган «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонида шу борада аниқ вазифалар белгиланган эди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 2 965 та давлат иштирокидаги корхона мавжуд. Уларнинг аксарияти эски усулда, самарасиз ишламоқда. Ушбу корхоналарнинг ярмидан кўпи ҳатто дивиденд тўлаш имконига эга эмас.

2019 йил 11 декабрь кuni Президент ҳузурида ўтказилган йиғилишда ушбу корхоналарни бозор принциплари асосида ислоҳ қилиш, хусусий инвесторларга сотиш бўйича топшиқорлар берилган эди. Шундан келиб чиқиб, республика бўйи-

ча ялпи хатлов ўтказилди.

Йил бошидан бери 299 та давлат активлари 348 миллиард сўмга сотилди. Янги инвесторлар ушбу объектларга жами 3,3 триллион сўм инвестиция киритиб, 4 700 та янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олган.

Хусусан, собиқ «Чорсу» меҳмонхонаси, «Самарқандкимё» корхонаси, «Ўзбекистон» меҳмонхонасидаги давлат улуши, Қўнғирот сода заводи сотилди. Бу объектларга 425 миллион доллар инвестиция киритилиб, 800 та янги иш ўрни яратилди.

Тақдимотда давлат активларини хусусийлаштириш, бўш турган объектлар ва ер майдонларини аниқлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этишга доир режалар ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз соҳадаги ишларни давом эттириб, яна 1 400 га яқин давлат активларини хусусий инвесторларга беришни тезлаштириш зарурлигини таъкидлади. Вазирлар Маҳкамасига хусусийлаштириш дастурини тасдиқлаш вазифаси қўйилди.

Давлат активларини бошқариш агентлигига тармоқ раҳбарлари билан бирга унумсиз ишлаётган 711 та корхонани тугатиш, 262 тасини қайта ташкил этиш, шунингдек, 500 дан зиёд бозорларни хусусий секторга бериш бўйича йўналишлар аниқланди. Давлат ихтиёрида сақлаб қолинган корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш бўйича янги тизим жорий қилиш муҳимлиги қайд этилди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.




Эркин Воҳидов 1936 йил 28 декабрда Фарғона вилоятида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг Филология факультетини тамомлаган. Ижодкор «Тонг нафаси», «Қўшиғим сизга», «Ақл ва юрак», «Менинг юлдузим», «Ешлик девони», «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ», «Келажакка мактуб» каби шеърӣ тўпламлари, «Нидо», «Қуёш маскани», «Рухлар исёни», «Кўхинур» каби достонлари, «Олтин девор», «Истанбул фожиаси» сингари сахна асарлари, «Сўз латофати» бадий рисоласи, жаҳон адабиётининг Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил, Гёте, Сергей Есенин каби мумтоз намояндalари меросидан қилган таржималари билан ўзига хос ижодий мактаб яратди. Унинг ўнлаб асарлари дуненинг кўплаб тилларига таржима қилинди. Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони фахрий унвонлари, «Дўстлик» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари соҳибӣ 79 ёшида вафот этди.



Светлана Алексеевич 1948 йил 31 майда Украинада туғилган. Уларнинг оиласи кейинчалик Беларуссияга кўчиб ўтади. 1972 йил Беларуссия давлат университетининг Журналистика факультетига тақсил олган. Илк бўлишига қарамай машҳурлик олиб келган «Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси» номли китобининг умумий адади бир неча миллиондан ошган. Ёзувчининг «Сўнгги шохидлар: болаларга хос бўлмаган ҳикоялар», «Темир тобутдаги йигитчалар», «Ажал йўлдан оздирганлар», «Чернобил таваллоси», «Секонд хэнд вақти» сингари асарлари ҳам ўқувчилар орасида оммабоп. Йигирмадан ортиқ турли нуфузли халқаро мукофотлар билан тақдирланган адиба 2015 йили «Турфа ранг иҳоди – давримизда инсоният азоб-ўқубатлари ва матонатига қўйилган ҳайкал», деган таъриф билан адабиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори бўлди.

«ҲИЖРОН КЕЧАЛАРИ ҲОЯТДА УЗУН»

Китоб – қудратли бир куч. Уни неча бор ўтга ташлаб ёққанлар ўтмишда. Жоҳилларча ёқилганига ишонмайман. Ақл билан, унинг мислсиз кучидан чўчиб ёқилган.



Шундай китоблар борки, сен узок йиллар ишониб юрган, сайқалланган, жило берилган ўтмиш, тарих юзидан пардани юлиб ташлайди. Очилган ҳақиқат сени танг қолдиради, эсиндан оғирай дейди. Ҳақиқат эса аччиқ, оғриқли... Шундай бўлса ҳам у барибир Ҳақиқат-да! Иштиёрсиз уни танлайсан. Унинг кучи ҳам шунда.

Мен учун шундай китоб беларусь адибаси Светлана Алексеевичнинг «Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси» хужжатли асаридур. У менинг Иккинчи жаҳон уруши ҳақида билганларимни кўпик мисоли йўққа чиқарди. Ҳали совет халқининг, уруш аёлларининг бир неча ўн йиллар давомида тилга олинмаган фожиалари, азоблари, хўрликлари акс этган бу китобда. Биз мактаб дарсликлариде ўқиганимиз, фильмларда кўрганимиз, китобларда ёзилганидек қаҳрамонликлардан иборат эмас экан уруш. Унда пулемётчи оддий аскар Анастасия Медведкинининг хотираларидан шундай парча келтирилади: «Мени сўз топа олади, деб ўйлайсизларми? Қандай отганимни айтиб бера оламан, қандай йиғлаганимни эса йўқ. Буни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Битта нарсани аниқ биламан: урушда инсон ваҳший ва сирли бўлиб қолади...»

Сиз ёзувчисиз. Ўзингиз бирор нима ўйлаб топинг. Ёрқинроқ нимадир. Бит, чирк, кўсуқ бўлмасин... Ароқ ва қон ҳиди ҳам... Ҳаёт каби даҳшатли ҳам бўлмасин...»

Бу китобни ўқиб чиққангидан кейин Иккинчи жаҳон урушига бағишланган кўпдан-кўп қаҳрамонлик асарлари ўз қимматини йўқотди, аввалги ишонч ўрнига иккиланиш, шубҳалар пайдо бўлди. Танганинг иккинчи томони ҳам борлиги ёдимга тушди.

Аммо ўзбек адабиётида Иккинчи жаҳон урушига бағишланган шундай асарлар борки, уларнинг қаҳрамонлари сизу бизга таниш инсонлар, оталаримиз, оналаримизнинг ўтмишидир. Уруш мамлакатимиздан олисларда кечди. Бироқ унинг акс-садоси энг чекка кишлоқларга ҳам етиб борган эди. Буни улўғ шоир Эркин Воҳидов шундай таърифлаган эди:

*Даҳшат солиб кезаркан у дам
Узоқларда жанг гулдуриси,
Бизнинг кишлоқ кўчасида ҳам
Янграр эди
Акс садоси.*

Биласизми, ҳар қандай мураккаб даврнинг ҳам ўзига яраша қувончу ташвишлари бўлади. Ўрта мактабни битирганимга ҳам ўттиз йилдан ошиб қолди. Ўқувчилик йилларим билан бугунги кун ўртасида осмон билан ерчалик фарқ бор. Кўплаб тенгдошларим қатори менинг ҳам болалигим бўлмаган. Эрта баҳордан декабрь ойининг охирига қадар далада эдик. Болалик, ёшлик йилларимиз пахта эгатларига сочилиб кетди...

Аммо бизнинг болалигимизни ўғирлаган мураккаб ўша замонда китоб аталмиш бир нур бор эди. У бизни бирлаштирар, қалбимизни ёруғ ҳисларга ошно этарди, гўзал орзу-умидлар билан кўнглимизни ўстирарди. 12-15 ёшдаги қизлар, қизалоқлар ўқиган китобларимиздан гапирар эдик. Беҳад, беҳудуд дала йўллариде янграган шеърлар. Шоир Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достонини деярли ҳамма ёддан биларди. Биздан бироз катта Иноят дугонамиз эса Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеърини ёд айтганида кенг далаларни энгил эпкинлару муаттар шеърӣ оҳанг эгалларди...

Юқориде айтганимиздек, урушга бағишланган барча асарлар ҳам бугунга келиб, ўз қиммати-



ни сақлаб қололгани йўқ. Эркин Воҳидов шу мавзудаги «Нидо» достонини 1964 йилда ёзган эди. Достоннинг тўлиқ вариантини ўқиганимиз? Ёдингиздами? Келинг, шу дардли достонни яна бир варақлайлик...

Ўқиймиз:

*Отажон!
Мен ахир қутлуғ бу сўзни
Йигирма йил олмадим тилга,
Йигирма йил сақладим дилда.*

*Бағрим ўйиб,
Бу кун менга бермоқда азоб
Сизнинг кўксингизни тешган
қора ўқ.*

*Силкиб оқаётир
Қўрагимдан қон.
Қалбим ўртамоқда сўнгсиз ар-
момим...*

Етимлик... Оталари урушда ҳалок бўлган кишиларни кўрганман. Аммо улар болалик кезларим ўзлари ота эдилар. Уларнинг етимликда чеккан азобларини катталардан эртак эшитгандек эшитганман. Етимлик жуда қайғули эканлигини билардим, аммо уларнинг чеккан азобларини, дардларини барибир ҳис қила олмаганман. Бу – урушнинг биргина фожиаси.

Болалик хотираларимда бир нечта инсонларнинг қиёфаси сақланиб қолган. Биз, болаларга доим табассум билан боқувчи, сира жаҳли чиқмайдиган Меърож бобони эслайман. Бир қўллари йўқ эди. Урушнинг энг оғирини кўрган, дейишарди катталар. Ҳаётсеварликлари, эҳтимол, шундандир.

Яна бироз оқсоқланиб юрадиган Мансур бобони эслайман.

Бироқ уларнинг уруш ҳақида гапирганларини эслай олмайман. Баъзи-баъзида кўкракларини тўла нишонлар билан чиққанларини, бошқа пайтда ҳамма қатори дала юмушлари билан банд бўлганларини кўрганман. Ўша уруш йиллари кишлоғимизда нари борса йигирмата хонадон бўлган. Бироқ деярли барчасидан кимдир фронтга кетган. Бедарак кетганлар, асирга тушиб қайтиб келганлар ҳақида уларнинг яқинларидан бошқа ҳеч ким лом-мим демасди.

Келинг, яна достондан ўқиймиз:

*Рустамнинг акаси урушдан
қайтди,
Қўлтиқтаёғи бор,
Бир оёғи йўқ...*

*Хол ака қайтганди уйга тўсат-
дан,
Ўғли, дадажон, деб чопиб ке-
либди.*

*Ота қучай деса кўли йўқ экан,
Тик турган жойида йиғлайве-
рибди.*

*Дарсга келмай қолди
Тунов кун Тальят,
Муаллим уришса тураверди
жим.*

*Дадасидан келган экан қорахат.
Ҳаммаиш йиғладиқ,
Ҳатто муаллим...*

*Мана, урушнинг кичик бир киш-
лоқдаги акс садоси!*

*Отасининг учбурчак хатларини
ўқиб саводи чиққан боланинг мак-
туби ёдингиздами?*

*Мен қайдан билибман,
Йўл босар экан
Менинг мурғак хатим бекат-
ма-бекат.*

*У ёқдан,
Худди у борар манзилдан
Йўлга чиққан эди машвум қо-
рахат...*

Бу дoston ҳақида гапириб, унинг қимматини англатиш мушкул. Уни фақат ўқиш керак. Фарзандлар даврасида ўқилса, нур устига нур.

Йигирманчи аср ўзбек адабиётининг улуғларидан бирор киши уруш мавзусини четлаб ўтмаган ва бу мавзуда салмоқли асарлар битганлар. Биз эса бугун биргина «Нидо» достони ҳақида сўз юритдик. Мутолаа завқи сизни тарк этмасин.

**Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»**

Юксак касб маҳорати ва ҳарбий интизом – ҳар бир ҳарбий

Тошкент ҳарбий округи ҳудудида жойлашган «Чирчиқ» аэродроми шу кунларда Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юртининг амалиёт ўтаётган иккинчи ва учинчи босқич курсантлари билан гавжум. Бу ерда улар амалий парвоз машқларини бажармоқда.

КУРСАНТЛАР ИЛК ПАРВОЗ ЗАВҚИНИ ТУЙДИ



Қуролли Кучларимиз куч-қудрати, салоҳияти, минтақа ва дунё армиялари ичидаги мустаҳкам ўрни кундан кунга, йилдан йилга ортиб бораётир. Албатта, бунинг замирида жанговар сафларда хизмат қилаётган ҳар бир офицер ва сержантдан тортиб, ҳарбий олий таълим олаётган курсантларнинг ҳам муносиб улуши бор. Қуролли Кучларимизнинг муҳим таркибий қисми бўлмиш Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги мутахассислари эса бу бутунлиқни таъминлашда алоҳида ўринга эга.

Мазкур амалий машғулотларда илк бор иштирок этаётган курсантларнинг билим ва маҳорати яққол сезилиб турибди. Айниқса, ҳали уларнинг иккинчи босқич эканлиги инobatга олинса, бу фикр янада теранлашади. Илк бор парвоз завқини туйётган бу йигитлар бугунгача муҳим тайёргарлик босқичларидан ўтган. Амалиёт жараёнида улар учиб аппаратларини белгиланган масофада бошқариш, ҳавода муаллақ туриш, ерга яқин бўлган масофада парвоз қилиш каби қатор машқларни бажаришди.

Ҳар бир кичик ҳаракатни ҳам диққат билан кузатиб турган мутахассисларнинг айтишича, курсантлар машқларни ўзлаштиришда, вертолётларни бошқаришда ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмаяпти (буни фотолар муаллифи III даражали сержант Олим Бердиев ҳам кўп йиллик ҳолис кузатувчи сифатида аэродромдан то таҳририятга келгунча бот-бот тақрорлаб келди). Сабаби оддий: Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим



юртидаги мавжуд сўнги русумдаги тренажёрлар курсантларнинг билим ва кўникма оширишида бепоён осмон вазифасини ўтаган. Ўша назарий кўникмалар бугун уларга жуда қўл келди.

Қолаверса, машғулотларда амалиётга жорий қилинган ўқитишнинг янги усул ва услублари, «Устоз – шогирд» аънаъасига мувофиқ, ҳар бир курсантга тажрибали мутахассислар бириктирилгани бўлғуси учувчилар парвозининг хавфсиз ва самарали бўлишини таъминламоқда.

Билим юртининг учинчи босқич курсантлари ҳам парвоз машғулотларида фаол. Улар ўтган йили ҳаво кенгликларида 60 соатга яқин парвоз машқларини бажарган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 100 соатдан ошиши режалаштирилган. Бунда ҳар бир парвоз машқи босқичма-босқич мураккаблашиб боради.

Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти курсантларининг амалий парвоз машғулотлари жорий йилнинг сентябрь ойигача давом этиши режалаштирилган.

P/S. Айтишларича, йигит киши учта нарсани бутун умри ёдида сақларкан. Биринчиси – Ҳарбий қасамд, иккинчиси – илк висол кечаси, учинчиси – илк фарзандининг туғилганлиги хабари.

Бугун биринчи марта мустақил ҳавога кўтарилиб, вертолётни бошқарган курсантлар учун бу рўйхат яна биттага кўпайди. Бу – илк парвоз завқи!



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ суратта олган

Хизматчининг Ватан ҳимояси учун қўшган ҳиссасидир!

“ Қўшинларда жанговар тайёргарликнинг мунтазам ошириб борилишига алоҳида эътибор қаратилади. Бу хоҳ тинчлик даври бўлсин, хоҳ пандемия шароити (албатта, бунда эпидемиологик талабларга қатъий риоя этилади!) Чунки ташқи хавф ҳеч қачон огоҳлантириш билан кириб келмаган.

ШАРТЛИ

ДУШМАН ЕР ТИШЛАТИЛДИ,

«гаровдагилар» озод этилди

Жиззах вилоятидаги тоғли ҳудудлар ҳарбий хизматчиларнинг ўқув машғулоти олиб бориши учун ҳар томонлама қулай. Қулай деганимизни асло ўз маъносида тушунманг. Боиси ақлли қўшин ҳеч қачон осон машғулот турини танламайди. Шундан ҳам билса бўладики, Марказий ҳарбий округ бўлинмасининг мазкур ҳудудда шартли душманни йўқ қилиш бўйича ўтказган ўқув машғулотни маҳорат ва малака ортиши борасида аҳамиятлидир. Машғулотдаги Ватан ҳимоячиларига реал ҳолат атмосферасини беришда сунъий жиҳозланган душман объекти қўл келди.

Режага мувофиқ, бўлинма шахсий таркиби ҳарбий техникаларда ҳаракатланиш нуқтаси нотаниш бўлган тоғли ҳудудга олиб келинди. Шундан сўнг йигитлар теварак-атроф кузатувини назоратга олган ҳолда ўзлари турган жой ва шартли душман ўрнашиб олган объектга бўлган масофани аниқлаб олишди. Белгиланган манзилга тез ва сездирмасдан етиб бориш учун қулай йўналиш танланди ва ҳаракатга киришилди.

Сувли тўсиқдан ўтиш учун бўлинма учта кичик гуруҳга бўлинган ҳолда ҳаракатни давом эттирди. Уларнинг бор диққат-эътибори ҳаракат давомиди шовқинсиз, имо-ишоралар ва шартли сигналлар орқали маълумот алмашиб, белгиланган нуқтага талафотсиз етиб боришга

қаратилган. Шу тариқа машғулотнинг иккинчи босқичи бошланиб кетди.

Шартли душманни яқсон қилиш, гаровдагиларни озод этиш вазифаси юкланган бўлинма сунъий жиҳозланган душман объектида ишонч билан ҳаракат қилиб, қуролли босқинчилар билан яқин масофада жанг олиб борди. Бу гал ҳам бўлинма командир кўрсатмасига мувофиқ, жанговар иккилик ва учликка ажралди. Улар отиш позицияларини тез-тез ўзгартириб, тезкор ва чалғитувчи тактик ҳаракатлар билан шартли душманни ер тишлатди. Гаровдагиларни қутқариш операцияси ҳам кўнгилдагидек адо этилди.



Қўш саҳифа муаллифи Ислоҳжон ҚўЧҚОРОВ, «Vatanparvar»

АҲДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ИБРАТ

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Масалан, шу вақтга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди.

Янги топилган маълумотларга кўра, Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган.

Аёвсиз жангларда мардона қатнашган қарийб 451 минг нафар юртдошимизнинг номлари ва тақдири шунча йиллар мобайнида эътибордан четда қолиб келганини албатта адолатдан, деб бўлмайди.

Шунингдек, ўша даврда «қулоқ» сифатида бошқа ўлкаларга сургун қилинган 59 мингдан ортиқ ватандошимиз ҳам ҳаракатдаги армияга сафарбар этилгани маълум бўлди.

Шу борада яна баъзи рақамларни келтиримоқчиман: илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтиларди. Аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

“ Самиғ Абдуллаев 1917 йил 25 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1941 йилнинг июнь ойида урушга отланган. Фронтда 97-алоҳида моторлаштирилган инженер – сапёрлар батальони сапёрлар бўлинмаси командири бўлган. Сержант Абдуллаев 1943 йилнинг куз ойида Кубань дарёси қуйи оқими ва Тамань яриморалини фашистлардан озод этишда намуна кўрсатди ва 1944 йилда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

МЎЙҚАЛАМ СЕҲРИ

Самиғ Тошкентда боғбон оиласида дунёга келди. Улар оилада тўрт фарзанд эди. Болакай етти ёш бўлганида тўсатдан отасидан жудо бўлди. Бу фарзандлар учун оғир йўқотиш эди. Улар гўёки бирпасда улғайиб қолди. Отасиз яшаш... Бу ёш Самиғ учун улкан зарба, кўникиб бўлмас жудодик эди. Қани бу айрилиқни енгиш Самиғ учун осон бўлса?! Мана шундай қийин вазиятда уни бу азобдан мўйқалам қутқарди. Болакай отасини соғинган дамда қўлига мўйқалам олиб, ички кечинмаларини қоғозда акс эттирарди. Унинг чизган ҳар бир суратида отасининг тинсоли бор эди. Расм чизгани сайин у руҳиятида ажиб енгилликни ҳис қиларди, завқланарди. Бора-бора расм чизиш ҳаётининг мазмунига айланди.

Мактабни аъло баҳоларга тамомлаган Самиғ рассом бўлишни ўз олдига мақсад қилди ва Беньков номидаги рассомчилик билим юртига ўқишга кирди. 1938 йилда билим юртини тамомлаб, Тошкентдаги пионерлар саройида тасвирий санъат тўғрарида раҳбарлик қилди. Худди шу йили унга ҳарбий хизматга қақирув қоғози келди. У ҳарбий хизматни якунлаб, Симферополь шаҳридаги сапёрлар батальонида хизматни давом эттираётганида уруш бошлангани ҳақидаги хабарни эшитди...

ЎЛИМГА ТИК БОҚИБ



ДАҲШАТ ИЧИДА

Фронт ҳақиқатан ҳам даҳшатли манзара касб этганди. Ҳар томондан ёғилаётган ўқлар, портлаётган снарядлар, жароҳатланганларнинг оҳ-воҳи... Борган сари аланглаётган бу жанг майдонидан омон чиқиш амримаҳол эди. Аёвсиз жангларда Самиғ жуда кўп дўстларидан, сафдошларидан айрилди. Шундай йўқотишлар сабаб қалбида фашист босқинчиларга нисбатан чексиз нафрат пайдо бўлди. «Мен ўлмаслигим керак! Бевақт ўлим топган дўстларимнинг ҳаққи ҳурмати мен ўлмайман! Дўстларимнинг хунини, албатта, душмандан оламан!» Бу қатъий мақсад ўғлоннинг кучига куч қўшди. Жуда кўп жангларда душманга талафот етказиб, жасорат кўрсатишига сабаб бўлди.

...Кубаннинг қуйи оқими ва Тамань яриморалида аёвсиз уруш давом этарди. Сержант Абдуллаев бу сафар ҳам улкан жасорат ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатди. Қизғин жангларда мина қўйилган йўлларнинг хатарсизлигини таъминлади, душманнинг кучли ўқ ёмғири остида миналарни зарарсизлантирди. Энг даҳшатлиси, бу миналарнинг 39 таси олиб бўлмайдиган қилиб, 34 таси эса ҳеч қутилмаганда портлайдиган қилиб кўмилган эди. Аҳвол ниҳоятда танг эди. Сержант Абдуллаев ўлим ва тириклик ўртасида қолди. Шунда... йўқ, у қўрқмади, аксинча, ўлимга мардонавор тик боқди: «То тирик эканман, душманнинг сафдошларимни қириб ташлашига йўл қўймайман! Ё ўлим,


ё ҳаёт!» Бу хитоб йигитнинг юрак-юрагидан отилиб чиқди. Шахт билан ишга киришди. Не бахтки, у шу куни зиммасидаги улкан ва масъулиятли вазифани доимгидек аъло даражада бажарди.

Ўша жангда Самиғ олтита кўприк қуриш ва танкларни сувнинг нариги томонига ўтказиш ишларида ҳам фаол қатнашди, душманнинг тўртта ўқ очиш нуқтасини яқсон қилди.

1943 йилнинг 16 сентябри. Красний районида танкларга хавфсиз йўл таъминлаётган сержант Абдуллаев душман мудофаасининг олд қисмларида миналаштирилган майдон борлигини аниқлади ва уч сапёрни ёнига олиб, миналарни зарарсизлантиришга киришди. Улар куну тун ишлаб, душманнинг 97 та минасини зарарсизлантиришга муваффақ бўлишди. Шулардан 37 тасини сержант Аб-

дуллаевнинг ўзи амалга оширади. Танклар учун йўл очилади. Аммо тез орада бригада қаршисида янги хавф пайдо бўлади: фашистлар кўприкни дарё орқали портлатиб юборишади. Абдуллаев бўлими уч соат ичида кўприкни тузатишга эришади. Эрталаб зарарсизлантирилган йўлақлардан танклар муваффақиятли ҳаракатланди ва душман мудофаа чизиғи томон илгарилаб кетди...

Унинг урушдаги иштироки давомида бу каби жасорат намуналари жуда кўп эди. Шунинг учун ҳам сержант Абдуллаев 1944 йилда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони, «Ленин» ордени ва «Олтин Юлдуз» медали билан тақдирланди ва унинг номи тарих саҳифаларига зарҳал харфлар билан муҳрланди.



УРУШДАН СЎНГ

Самиғ Абдуллаев урушдан кейин жонажон касби билан шўғулланди. Самарали меҳнат қилди. Ўн йил давомида Ўзбекистон Рассомлар уюмчасини бошқарди, Ўзбекистон давлат санъат музейи директори лавозимида ишлади. Фидоийи хизматлари ўларок, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонига сазовор бўлди. У 1998 йили оламдан ўтади.

Ҳа, инсон қанча умр кўрмасин, ҳаётини бенаф ўтказмаса бас. Бир нарса аниқки, элу юрт, инсонлар манфаати йўлида кечган умр мангуликка дахлдордир.

Майор Г. ҲОЖИМУРОВА

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

“ Инсон бунёдкори бўлмиш отаси ҳақида тўлиб, тўкилиб гапирди. Айниқса у қаҳрамон бўлса. Журналист Муҳаммадали Ҳожиматовнинг сўзларига қулоқ тутиб, бунга яна бир бор амин бўлдик.

1969 йили мактабнинг 1-синфида ўқирдим. Бир кун устозимиз Абдужалил ака: «Яқинда мактабимизда қандай байрам бўлишини биласизларми?» деб қолди. Биз, эндигина мактабга борган болалар «байрам» сўзини эшитиб, хурсанд бўлиб кетдик-у, лекин унинг қандай байрам эканлиги билан қизиқиб ҳам кўрмабмиз. Кейин билсак, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалаба кунига бағишланган байрам тадбирига урушда қатнашган ҳақиқий қаҳрамон ҳамқишлоқларимиз келар экан. Уларни хурсанд қилиш учун шеър, кўшиқлар ёдлай бошладик.

Уйда опам ўргатган шеър ҳали-ҳануз ёдимда. Уни байрам кунини даврага чиқиб, бийрон-бийрон тилда айтиб ҳам берганман.

Қирқ биринчи йил, июнь,
Айни саҳар чоғида.
Тун уйқуси кезаркан,
Улканнинг ҳар ёғида...

Байрамга кўксини орден ва медаллар беазаган жуда кўп қаҳрамонлар келди. Мени энг кўп ҳайратга солгани улар орасида отамнинг ҳам борлиги эди. Чунки шу пайтгача отамнинг урушда қатнашганини билмас эдимда. Бундан фахрланиб, гурурланиб, отамга қараб ўша шеърни ўқиганим ҳамон ёдимда.

Байрам давом этар экан, меҳмонларга бирин-кетин сўз берилди. Мана, навбат Баракабой Ҳожиматов, яъни отамга ҳам келди. У даврага юзланаркан, чеҳрасида қандайдир ғамгинлик пайдо бўлди, соқолини охишта сийлаб, бироз тараддулланиб турди-да, ниҳоят сўз бошлади. Аҳён-аҳён кўз ёшларини билинтирмай артиб олаётганини сездим.

МЕНИНГ ОТАМ ҚАҲРАМОН!



Мактаб ўқувчилари жон қулоқлари билан ҳаётий ҳикоя тинглашарди. Ҳаяжонланганимдан отамнинг нима деяётганини англаёлмас эдим. Уйга келганим заҳоти ўзимни отамнинг кучоғига отдим. Ҳол-жонига қўймай, уруш воқеаларини қайта айтиб беришини сўрадим.

– Менга 1942 йили урушга чақирув қоғози келди, – ҳикоясини бошлади отам акам ва опаларим жамулжам бўлган. – Аввалига Бешариқ туманига қарашли Ўқчи қишлоғи яқинидаги махсус зонада тайёргарлик кўра бошладик. Орадан, ҳамаси, икки ойлар вақт ўтиб ё ўтмай фронтга йўл олгандик.

Биз тўғри оловли жанг майдонига кирдик. Анчайин бақувват ва тўлача бўлганим сабабми, мени пулемётчилар бригадасига олишди. Пулемёт

ҳажман катта ва бесўнақай бўлгани учун менга икки нафар ёрдамчи ҳам беришганди. Хуллас, жанг даҳшатли давом этарди. Фашистлар еру кўкдан ўқ ёғирини ёғдирар, кимдир бомба остида қолган, кимдир контузия бўлган, кимдир жон талвасасида... Кўплаб қуролдош дўстларимиздан айрилдик. Борган сари талафотларимиз кўпая борди. Командиримиз навбатдаги жанг режасини тузар экан, шундай деди:

– Олдимизда муҳим стратегик истеҳком бор. Агар уни қўлга киритсак, ғалаба учун катта имконият пайдо бўлади. Бу истеҳком мана бу тепаликда, уни эгаллашимиз шарт ва зарур!

Бу Смоленск шаҳри яқинидаги бир тепалик эди. Тунда уч нафар сафдошим билан тепалик томон разведкага йўл олдик. Биз топшириқни аъло даражада удалаб, қисмимизга қайтаётганимизда душман сезиб қолди. Отишма бошланди. Хайриятки, улар ҳам кўпчилик эмас экан. Қисқа отишмадан сўнг уларни ер тишлатдик. Бу орада бир қуролдошимиздан айрилдик.

Эртасига яна жанг... Отишни тўхтатиб, хиёл энгашганимни биламан елқандан нимадир қаттиқ қақиб олгандай бўлди. Ушласам – қон. Шунда сездим, фашист мергани пулемёт овози тинишини пойлаб турган экан. Ўқ тўппа-тўғри пулемётнинг мўлжалга олиш дарчасидан ўтиб, елкамга тегди. Буни сезган командиримчандан бўлак йиртиб олди-да, елкамни қаттиқ боғларкан, «чида солдат, чида», деди. Шу ҳолимда командирга ёрдамлаша бошладим ва ниҳоят тепалик эгалланди. Каттагина талафот кўрган бўлсак-да, биз ғалаба қилгандик. Ана шу жангдан сўнг мен

га иккита орден топиришди. Кейин санчагга юборишди, у ердан госпиталга. Жароҳатим анчайин жиддий экан. Шифокорлар кўлимни елкамдан кесиб ташламоқчи ҳам бўлди, лекин барака топкурлар асраб қолишди.

– Кейин-чи, кейин нима бўлди? – сўрадим қизиқиб.

– Кейин қишлоққа қайтиб, колхозда ишладим, табелчилик, бригадирлик, сувчилик қилдим. Ўша вақтлар бу ерда ҳам яшаш осон эмасди. Йигитлар фронтда, бир томони очарчилик. Эҳ-хе, буларни гапирверсам, катта китоб бўлади, болаларим, қани энди бувиларингга қарашворинглр-чи.

– Ўқ теккан елкангизни кўрсатинг, ота, – болаларча қизиқиб ялиндим мен. Акаларим ҳам туриб олишди. Ниҳоят отам чопонининг чап елкасини туширди. Ҳи-и-и, девордик. Кўзим елканинг ярим қаричча жойи ичига кириб кетган ва буриштириб тикилганига тушди. Қўрқиб кетганимдан беихтиёр йиғлаб юборгандим...

Ота-онам урушдан кейин турмуш қуришган экан. Онамнинг айтишича, даставвал туғилган етти нафар фарзандлари «турмаган». Шу сабабдан кейингисига Турғунали деб ирим қилиб исм қўйишган экан. Шундан сўнг биз туғилган эканмиз. Билганим, эслаганим ўшанда биз тўққизта эдик. Кейинчалик бир опам ва укам эрта вафот этди. Етти нафар бўлиб қолдик: тўрт ўғил, уч қиз. Отам ҳам, онам ҳам бизни бирон марта уришиб-сўкканларини эслолмайман. Ўзлар ночор аҳволда бўлсалар-да доимо биз, фарзандлар учун яшашди. Улар ҳалолдан топиб, бизни пешона тери билан катта қилишди. Тўрт нафаримиз олий маълумотли бўлдик.

Ҳарбий хизматдалигимда отамни жуда кўп эсладим. Шу тарихи хизмат қилиб тинчликнинг, кейинчалик ўзим ҳам ота бўлиб отамнинг қадрига кўпроқ етдим. Ҳа, менинг отам – асл қаҳрамон. Мен қаҳрамоннинг фарзандиман!

УЧ АСРНИ КЎРГАН ОНАХОН

1895 йил 1 январь кунини Фарғона вилоятида туғилган момо ҳозирда Бувайда туманинг Қорақум қишлоғида истиқомат қилмоқда. Ҳувайдо момо «жонли энциклопедия»нинг ўзи. Авлодларга пурмаъно хикматлари билан бир қаторда Иккинчи жаҳон уруши воқеалари, шунингдек, узоқ ўтмиш билан боғлиқ хотираларни сўзлаб берди. Катта Фарғона каналининг қазилишида иштирок этганини эслаб:

– Уруш вақтидаги ҳамма хотираларим аччиқ, шукрки, бугун у кунлар тарихга айланди. Мени ўн олти ёшимда турмушга беришган. Миттигина елкамга рўзгор ташвиши тушган. Унинг устига эркақлар урушга олиб кетилди. Қишлоқ ҳувиллаб қолиб, даладаги қийин ишлар аёллар гарданига тушди. Аёл бошим билан 9 гектар ўза майдонига сув қуйиб, тунлари ариқ бошида ўтирганман. Пахта пайтида эса 160 килограммдан кам пахта термаганман, – дейди ҳўрсиниб.

Майор Жасур Жалоловнинг «Оилангизда узоқ умр кўрган ягона инсон сиз бўласизми?» деган саволига Ҳувайдо она: «Йўқ, отам Тош-



Бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар 125 ёшни қарши олган қўқонлик Ҳувайдо момо Умаровани зиёрат қилиб, бир олам таассуротлар олишди.

ҳарбийларга қўшиқ куйлаб берди!

мат 101 йил, Сайдинисо амман 125 йил, тоғам Муллақодир 130 йил умр кўрган. Мен улардан ўтиб 150 ёшга кирмоқчиман. Худога шукр, шу ёшимгача шифокорга ишим тушгани йўқ. Мана, яқинда янги паспорт олдим. Тишларим ҳам янгидан чиқди», дейди фахр билан.

Ҳувайдо она 7 нафар фарзанд, 50 нафар невара, 71 нафар чевара ва 28 нафар эваранинг ардоғида яшайди. Мумтоз адабиёт намуналари билан бир қаторда, куй-қўшиқ ва лапарларни ёд билладиган момо ҳарбийларга Ватан ҳақида қўшиқ куйлаб берди. Осойишта кунлар, тинчлик, мустақиллик азиз неъматлигини бот-бот таъкидлади.

– Ёши улғу бўлишига қарамай, кексаликни тан олмаётган Ҳувайдо онанинг хотираси, дадиллиги айниқса, ўзбек халқ дostonларини ёддан айтиши ҳавасини келтирди. Набираларини ёнига олиб, китоблар ўқиб берадиган онахонни юртдошларимизга ўрнат қилиб кўрсатсак арзийди. Улардан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп, – дейди катта лейтенант Рустам Холбобоев.

Сўхбат сўнггида ҳарбийлар онахонга эсдалик совғаларини топиришди.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

«Фарғоналик олим Нодирбек Хамаев «Ўзбекистонда Совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ва ҳарбий матбуот» номли илмий мақоласида яна бир муаллифни тилга олади. Бу С. Шур бўлиб, у қизил армиянинг «Пролетарский мысл» газетаси 1920 йил 4 июлдаги сониди «Корни басмачество» ҳамда «Красная казарма» нашрининг 1923 йил 3-сониди «Борьба за красный Туркестан» номли мақолаларини эълон қилган.

«ТУРКИСТОНЛИК – ШОНИМИЗ, ТУРОНЛИК – УНВОНИМИЗ»

(иккинчи мақола)

СИЁСИЙ ИНҚИЛОБ

Бу мақолаларда муаллиф Фарғонадаги «босмачилик» ҳаракатини совет ҳокимияти айрим масъул шахсларнинг ўз вазифасини суиистеъмол қилиши оқибати деб ёзган. Бу нима дегани? Шу ўринда бир мисол билан фикримизни қувватлантирсак.

Бу мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида чоп этилган «Ўзбеклар» китобидида «Ҳужжатҳоқлардан топилдиқлар» номли материалда учради. Эътибор қаратинг. Унда Скобелев (Фарғона) вилоят депутатлари кенгаши томонидан 1918 йил 19 декабрда Тошкент шахар Халқ комиссарлари кенгаши номига юборилган телеграмма матнидан парча келтирилган. Шошилинономада шўро амалдорлари Андижон депутатлари кенгаши Андижон уезди ҳузурда ҳаракат қилаётган қароқчи тўдалар бошлиқларидан хат олишганини хавотир ила ёзади. Миллий озодлик учун курашга бел боғлаган фидоийлар мактубиде қуйидаги сўзлар билан таҳдид қилганди:

«Андижонлик товаришлар! Биз сизларга шуни маълум қиламизки, Сизлар Қўғай қишлоғига келган сизлар ва тинч аҳолининг уйлариға ўт қўйгансизлар. Бекор бу ишни қилдингизлар, агар бундай иш яна бирор марта қайтарилса, у ҳолда сизларнинг станцияларингиз, заводу уйлариғизга ҳам худди шундай ўт қўямиз. Агар сизлар урушини хоҳласангиз биз билан урушингиз, халқ билан эмас. Биз барча тинч аҳолини хоҳ у ўрис бўлсин, хоҳ у аярди, хоҳ у арман бўлсин, хоҳ у сарт – барчаси баробар, деб ҳисоблаймиз. Кун бўйи пешона терини тўкиб ишлайдиган камбағал одамларга бундай зарарлар келтириш инсофдан эмас. Урушиш керак бўлса, сизлар билан мана биз урушамиз, тинч халқ эса сизлар билан ҳам, биз билан ҳам урушмайди. Агар сизлар халққа қарши урушини давом эттиравсангиз, у ҳолда 3 кун ичида Тошкентдан то бу ергача бирорта ҳам бутун нарсангиз қолмайди».

Имзоловчилар: Мадаминбек, Эргаш қўрбоши, Холхўжа, Эшмат бойвачча, Маҳкамхўжа, Файёз махсум» (ЎЗМДХ, ф.-р. -25, 1-ёзув, 79-иш, 19-20-бет).

Мана, шўро ҳукумати амалдорларининг фитнасига, С. Шур юмшоқ қилиб айтган суиистеъмолчилигига мисол. Мўйсафид тарих ҳали яна қанча бундай сирларни бағрида асраб ётибди экан?

Яна бир шахс – Валериан Куйбишев ҳақида кекса авлод яхши эслай-

ди. Мустақилликка ҳатто унинг номини туман, колхоз, совхозларга қўйиб, улуғлаганимиз. Шўроларнинг сиёсий арбоби инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси сифатида Урта Осиёда қўшинларни бошқарган. Аникроғи, Туркистон fronti 11-армияси инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси сифатида бошқарувда қатнашган. 1919-1920 йилларда Русиянинг Туркистон масалалари комиссияси раиси ўринбосари бўлган. Туркистон ишлари бўйича махсус комиссия 1919 йил 8 октябрда ташкил этилган бўлиб, дастлаб унинг таркибига маҳаллий раҳбарлардан ҳеч ким киритилмаган. Мана, унинг аъзолари таркиби: В. Бокий, Ф. Голошчекин, В. Куйбишев, Я. Рудзутак, М. Фрунзе, Ш. Элиава. Шундан ҳам миллий озодликка қарши курашда Куйбишев қандай «фигура» бўлганини англаш мумкин.

«Маънавий ҳаёт» журналининг 2019 йилги сонларидан берида Азим Рўзиев муаллифлигидаги «Босқинчилик, босмачилик?» номли мақола чоп этилган. Унда келтирилишича, В. Куйбишев босмачилик ҳаракатини «шунчаки бандитлик деб қабул қилиш хато. Чунки у сиёсий инқилобдир», деган экан. Сиёсий инқилоб нима? Бу табиийлик, эрки, озодлиги учун кураш, мустақилларнинг зулмига қарши кураш. Золимларнинг ўзи ҳақиқат ким томонида эканини яхши билишган. Бирок амал ва ихлос тўғри келмаса қийин. Аввалбошдан тузум моҳияти, шакл-шамойили шу асосга қурилганди.

«БОСМАЧИ» СЎЗИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

2000 йилда «Шарқ» нашриёт матбаа концернида босилган «Ўзбекистоннинг янги тарихи» иккинчи китобиде биз тилга олаётган миллий озодлик ҳаракати даври ҳақида муҳим маълумотлар учради. Жумладан, китобнинг 84-бетиде қизик бир маълумот узок вақт ўйлантириб келаётган саволимга жавоб бўлди. Бу «босмачи» атамасининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Китобда 1918-1919 йилнинг ўрталаригача бўлган архив ҳужжатларида «босмачи» сўзи учрамаслиги айтилган.

«1919 йилнинг ўрталаридан бошлаб совет вақтли матбуотида, кейинчалик эса айрим расмий ҳужжатларда «босмачи» иборасини қўллаш бошланган. «Босмачи» ва «босмачилик» иборалари миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини пасайтириш, аждодларимизнинг большевиклар ҳукмронлигига қарши

олиб борган қонли курашларини ҳаспўшлаш учун буюқ давлатчи-шовинистлар томонидан ўйлаб топилди ва «бандитлик», «қароқчилик» сўзлари билан асосиз равишда бир қаторга қўйилди. Коммунизм мафкурачилари ва уларнинг маддоҳлари ҳатто 1917 йилгача бўлган миллий озодлик ҳаракатларини ҳам кўп ҳолларда шу атама билан номладилар». Ажабо.

МАДАМИНБЕКНИНГ САФОНОВГА МАКТУБИ

Яна бир тарихий ҳақиқат соядан чиқди.

«Босмачи». Бу сўз яна бош кўтарди. Ватан, озодлик, дин учун курашаётганларнинг қаттол душманлари ёнига кўзга кўринмайдиган, лекин захри ёмон рақиб қўшилди. Унга қарши қандай курашмоқ керак? Милтиқ билан пешонасидан отиб бўлмаса, паншаха санчиб, хумордан чиқолмасанг. Курашса бўларкан. Ор-номус, ғурур енг шимарди. У қаттол душманни майдонга чорлади. Аслида сўзда нима айб? Гап унга шундай либос кийдирганларда. Ор қўзиса, ғурур қон билан тепса ёмон бўларкан, биродарлар.

Мана, масала моҳияти қаерда. Бу шўроларнинг мафкуравий қўшини – матбуотнинг қонли террордан-да жирканч иши эди.

ФРУНЗЕ ВА ИСТИБДОД

С. Шур айтган суиистеъмол сўзи билан келиша олмадим. Ўрнига «зулм», «мустабид», «мустамлака» сўзларини қўйиб кўрдим. Нафрат бунинг сабаби эмасди. Тарихий воқелик менга шундан сўзлаётганди. Буни ҳам мустабидларнинг ўзидан эшитайлик.

1920 йилнинг боши. М. Фрунзе Фарғона fronti кўмондонлигига шошлинчнома йўллайди. Унда шундай дейилган: «Туркистон марвариди бўлган Фарғона икки йилдан ортиқроқ вақтдан бери қонли бир уруш майдони ҳолатидадир... Бу ердаги совет ҳокимияти илк тузилиш даврида рус ва ерли ишчи, деҳқон оммаларини ўзига тортиш ўрнига, меҳнаткаш халқни ўзидан узоклаштириш учун қўлидан келганча ҳаракат қилди. Ишлаб чиқаришнинг национализация қилинишида фақат буржуазиянинг мулки эмас, балки ўртаҳол деҳқонларники ҳам тортиб олинди... Бу ерда ҳаракат қилган қизил аскар қисмлари, инқилобни ҳимоя қилган баъзи раҳбарлар меҳнаткаш халқни истибдод воситаси сифатида тушуниди. Босмачилик ҳаракати деган бу ҳаракат шу асосда вужудга келди. Босмачилар – оддий қароқчилар эмас. Шунда уларни тез йўқ қилиш мумкин бўлар эди». Мисолни «Ўзбекистоннинг янги тарихи» иккинчи китобининг 90-91-бетларидан келтирдик.

Михаил Фрунзеге ҳам мустақилликкача юртнинг тўридан, сўлим-сўлим масканларидан жой бергандик. Отдан тушмагандилар. Кейин ёрдамлашилди. Негаки «оқсоқол» шўро салтанати сиёсати тарихимизга қон билан ёзилишида қатта иш қилганди. Билмаганларга бироз эслатаман. Истиклолимизнинг таниқли бу жаллоди 1919 йил 15 августдан 1920 йил 10 сентябргача Туркистон фронтига кўмондон бўлди. 1919-1920 йилларда Туркистон комиссиясига аъзо этиб сайланган. 1920 йил 30 августдан 2 сентябргача Бухорони қонга ботиришида мислсиз ҳаракат қилади. Ҳозирча тадқиқ этаётган мавзумизга шу маълумотлар етарли. Қўли қон, ҳатто қон-қонигача шўроларга садоқат сингиган бу шахс нега қизил армияга бунчалар қаршилиқ қилишаётганини кўрган, билган. Қароқчи, босмачи бўлганида халқ эргашмаслигини тушунган. Бежиз «шунда уларни тезда йўқ қилган бўлардик», деб тан олманг. Демак, бир тўда бандит билан эмас, балки мустабидлар зулмидан жони ҳалқумига келган, курашдан бошқасига чора қолмаганини тушунган, фақат шу йўл билан моли, дини, мамлакатини ҳимоя қилиши мумкин бўлган бутун бошли халқ билан савашаётганини англаган.

Ҳақиқий босмачилар ким эканлигини кўрсатиш учун аниқ фактлар билан шўроларнинг Фарғонадаги кўмондонига мактуб битилди. Ўзларининг услубида эмас. Маданиятли, маърифатли халққа хос усулда. Биз тилга олаётган тарих китобининг 89-90-саҳифаларида бу ҳақда келтириб ўтилган. Мадаминбекнинг Фарғона fronti қўшинлари кўмондони М. Сафоновга 1919 йилнинг 11 мартда йўллаган бу мактуби Россия давлат архивидан сақланаётган экан. Хўш, Мадаминбек нималарни ёзган, деб ўйлайсиз?

Келинг, муҳим жойини биргаликда кўриб чиқамиз: «Туркистонда бўлса, яна қайтараман: сизлар қиладиган иш йўқ ва бу ерда зўравонлик билан душманлар орттирасиз, холос... Сиз федерация тузилади деб эълон қилдингиз, сиз халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эълон қилдингиз, шундай экан, нега сиз уларни бизга бермайсиз? Ёки биз фақат мусулмон бўлганлигимиз учунми? Бизга кўнглимиз тусанганча яшашга имкон беринг, майли, сиз эълон қилган шiorларга биз амал қиламиз, бизларга ўзимиз хоҳлагандек бошқарув усулини танлашга имкон беринг, ахир биз, мусулмонлар кўпчиликини ташкил қиламиз-ку. Аммо зўравонлик қилманг...»

«Босмачи» деган тамғага ҳамда тиш-тирноғигача қуролланган улкан қўшинга «зўравонлик қилманг», «ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини қайтаринг», «ўзимиз хоҳлагандек бошқарув ҳуқуқини беринг», «мусулмон бўлганимиз учун камситманг» каби кескир сўзлар қўшини жангга чиқди. Афсус, бу кураш аввалбошданок шўроларнинг ғирромлиги, номардлиги, фитнакорлиги асосига қурилганди.

Хатда қўрбоши қизил армия жангчилари ва командирларининг босқинчилик тўдасига айланганини ҳам ёзиб, «отряд бошлиқларининг биттасидан 20 миллион сўмлик мол-мулк топилган, ҳақиқий большевик – коммунист босмачилар тўдаси бизнинг камбағал, ярим оч мусулмонларимиздан сўнги кўрпа ва кигизларини ҳам тортиб олиши», дейди.

Мана сизга тарихий факт. Шўронинг битта отряд командири оддий халқни шунчалар таласа. Шундоқ ҳам очлик, ночорлиқдан зўрга нафас олаётган оддий халқнинг кўрпа ва кигизигача талайдиганлар қанақа тенглик, қанақа «изм»лардан гап очиши мумкин? Яна ўша тарихий савол: босмачи ким эди-ю, эркини, орини, номусини ҳимоя қилган ким эди?

Тарих бундай ғирромликка чидайд олмади. Саволга-да жавоб бермади. Илма-тешик бағрига кўмиб қўя қолди.

Алижон САФАРОВ,
Ўзбекистон Журналистика ва
оммавий коммуникациялар
университети катта ўқитувчиси

БИЗ ЯШАЁТГАН ДУНЁ

АҚШ ВА РОССИЯ АРМИЯСИ

Улардаги ўзига хосликлар қандай?

Мамлакатлар ўз армиясини тузар экан, бунда албатта, ўша давлатнинг ўзига хос жиҳатлари, дунёда тутган ўрни, қолаверса, келажакдаги режалари ҳам акс этади. Шу боис ҳам ҳар бир давлат томонидан тузилган Қуролли Кучлар тизимининг алоҳида кўзга ташланадиган, бошқаларникидан ажралиб турувчи жиҳатлари бўлади. Ана шундай ўзига хосликлар айрим ҳолларда ютуқ саналса, бошқалари учун камчилик бўлиши мумкин. Қуйида дунёнинг икки қудратли армияси – АҚШ ва Россия ҳақида сўз юритамиз.

Кўп вазифали АҚШ армияси

Эрон давлати томонидан қайси мамлакатнинг Қуролли Кучлар тизими террористик ташкилотлар рўйхатида киритилганини биласизми? Аллақачон тахмин қилгандирсиз, ҳа, бу – АҚШ армияси. Албатта, бунга Эрон ва АҚШ ўртасидаги узоқ йиллик можаролар сабаб бўлган. АҚШ доимий Қуролли Кучлар тизимига 1775 йилда Иккинчи Континентал конгресс қарори асоси-ла эга бўлган. Қўшин зиммасига эркинлик ва мустақиллик, ҳудудий яхлитликни сақлаш, шунингдек, Американинг ҳарбий компанияларида иштирок этиш юклатилган. АҚШ армияси дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида ўз базасига эга. Жумладан, Америка ҳарбий базалари Япония, Жанубий Корея, Германия, Қатар

порт кўмондонлиги ва Киберкўмондонлик. Кўмондонликларнинг номланишидан ҳам шуни англаш мумкинки, АҚШ армияси фақатгина мамлакат ҳудудидагина эмас, балки бутун дунё бўйлаб Америка манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини бажаради. Кўп йиллардан бери у дунёдаги энг кучли армиялар рейтингда биринчи ўрнини эгаллаши ҳам бежиз эмас-да.

Совуқ уруш якунлангани боис 1988 – 1995 йилларда Америка армиясининг хорижий мамлакатлардаги 97 та ҳарбий базаси ёпилган. 2006 йилда Пентагон хорижий мамлакатларда жами 823 та йирик ҳарбий базаси мавжуд эканини расман тасдиқлаган. Бу рўйхатга умумий майдони 10 акр (4,05 га) дан кам бўлмаган ёки инвестиция ҳажми 10 миллион доллардан кам бўлмаган ҳарбий базалар киритилган. Масалан, юқоридаги



ва Бирлашган Араб Амирликларида мавжуд. АҚШ Конституциясига мувофиқ, Президент Қуролли Кучлар Бош кўмондони саналади.

Кўп ҳолларда бирор мамлакатнинг Қуролли Кучлари ўша давлатнинг ичида турли кўмондонликларга бўлинади. Лекин АҚШ Қуролли Кучлари бундан мустасно. Яъни АҚШ армиясида 10 та кўмондонлик мавжуд бўлиб, улар қуйидагича номланади: Европа кўмондонлиги, Тинч океани кўмондонлиги, Жанубий, Шимолий, Марказий кўмондонликлар, Африка кўмондонлиги, Стратегик кўмондонлик, Махсус операциялар кўмондонлиги, Транс-

мезонларга мос келмаган Манас (Қирғизистон) базаси ушбу рўйхатга киритилмаган (мазкур авиабаза 2014 йилда ёпилган).

Британиянинг «Guardian» газетаси тарқатган хабарларга қараганда, АҚШ Қуролли Кучлари 2015 – 2025 йиллар давомида ядро қуролига эга 12 та янги стратегик сув ости кемаси, 100 га яқин стратегик бомбардировкачи, янги континентлараро баллистик ракеталар (улар кўчиб юрвчи қурилмага ўрнатилади) ва ядро етказувчи минглаб қанотли ракеталар ишлаб чиқариш учун 355 миллиард доллар сарфлашни режа қилган.

Россия армиясидаги замонавийлик

Америка ядровий қуролларга эгалик қилиш бўйича дунёда биринчи ўринда турибди. Ушбу рўйхатда унинг ортидан қувиб бораётган Россия Федерациясининг бугунги кундаги замонавий Қуролли Кучлар тизими 1992 йил 7 майда ташкил топган. Кўп мамлакатларда бўлга-

алоқадор барча ташкилотлари билан ишлайди, уларнинг топшириқларини адо этади.

Россия армиясининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, мазкур Қуролли Кучлар тизимида хориждан келтирилган ҳарбий техникаларни учратиш мушкул. Умуман йўқ, деб бўлмайди, чунки хорижий давлатларнинг ҳарбий техникалари собиқ совет давридан қолиб кетган ёки ўқув машғулоти



ни каби ушбу давлатнинг Қуролли Кучлари Бош кўмондони ҳам Президент саналади. 2018 йилда ўтказилган Россия Мудофаа вазирлигининг Жамоатчилик кенгаши йиғилишида армия генерали Сергей Шойгу Россия армияси замонавий қуроллар билан таъминланиши бўйича юқори даражага етганини таъкидлаб, шундай деган эди: «Жами бўлиб 1 500 дан ортиқ замонавий қурол-аслаҳалар ва 80 000 дан зиёд техникаларни олдик. Бу улкан рақамлар. Умумий ҳисобда биз 61,5 фоиз замонавийлик кўрсаткичига эгамиз. Бугунги кунда бу даражадаги замонавийлик бирор давлат армиясига хос эмас... 2019 йилда замонавийлик кўрсаткичини 67 фоизга, 2020 йилда 70 фоизга етказишга умид қиламиз».

Биламизки, ҳар қандай армияда қўшин турлари деярли бир хил шаклда бўлинади. Лекин Россияда яна шундай қўшин тури борки, у ҳарбий космик қўшин деб аталади. Тўғри, айни кунларда ушбу қўшин тури ҳарбий ҳаво қўшинлари таркибига киритилган. Лекин 2001 йилдан 2011 йилга қадар алоҳида тизим сифатида фаолият олиб борган. Қўшиннинг номидан ҳам маълум бўлиб турибдики, ушбу қўшин орқали Россия Федерацияси ўз ҳудуди ва сайёрамизнинг бошқа бурчакларидан ташқари коинотда ҳам мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Албатта, ушбу қўшин таркибидаги аскарларнинг вазифаси ҳарбий космик аппаратлар гуруҳини орбитада яратиш, қўллаб-қувватлаш ва уларни бошқаришдан иборат. Бундан ташқари, улар ракета ҳужумидан ҳам оғохлантириш вазифасини ўз зиммаларига олишган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ушбу қўшин фақатгина мудофаа тизими ҳарбийлари билан эмас, балки Россиянинг коинот билан

учун олиб келинган бўлиши мумкин. Лекин ҳарбий тўқнашувларда Россия фақат ўзи ишлаб чиқарган ҳарбий техникалардан фойдаланади. Бу, албатта, Россия ҳарбий техникалари хориждан сотиб олишни эмас, балки хорижга етказиб беришни афзал кўрадиган мамлакат эканини яна бир бор исботлайди.

Россия Федерацияси Қуролли Кучлари тизимидаги хорижда жойлашган ҳарбий базалар сони Американидан кескин фарқ қилади. Яъни Россиянинг бугунги кунда хорижий мамлакатларда 10 га яқин ҳарбий базалари бор. Бироқ айрим қисқартиришлар бўлишидан аввал уларнинг миқдори бироз кўп бўлган. Кўпинча хорижий мамлакатлардаги ҳарбий базаларда хизмат қилган ҳарбий бўлинма ва тузилмалар Россияга қайтганидан сўнг тарқатиб юборилган. Бундан ташқари, Россия хорижда доимий базага эга бўлишни истамайди, балки зарур ҳолларда ўз ҳарбийларини вақтинчалик жойлаштириши мумкин. Худди 2016 йилда Суриядаги ИШИД жангариларига зарба бериш учун Эроннинг «Хаммад» авиабазасидан вақтинча фойдалангани каби.

Мамлакатларнинг ҳарбий тизими, салоҳиятини тадқиқ қилиш, бир-бирига қиёслашдан зерикмайди одам. Айниқса, бу мамлакатлар кучли державалар бўлса. Агар қайси бири кучли экани борасида баҳслашилса, ушбу тортишув ниҳоясига етиши қийин. Бундан ташқари, мамлакатларнинг Қуролли Кучлари борасида айтмоқчи бўлган гапларимизни бир мақолага жамлаш ҳам мушкул. Фақат бу қиёсий таққослашлардан ўзимизга керакли хулоса олишимиз керак.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
журналист

МОЗИЙ – ҲАҚИҚАТ ТАРОЗИСИ

(Давоми. Боши газетанинг ўрта сонларида)

Партия программаси

Жадид тараққийпарварлари партиясининг 19 банддан иборат программаси мазмуни қуйидагича эди:

– Миллий маданиятга эга бўлиб, мустақил миллат сифатида яшаш ҳаётининг асоси бўлиши керак. Бу эса барча миллатларнинг орзуси. Мақсадимиз – Туркистонни мустақил қилиб, ҳукуматни миллийлаштириш. Миллат – тил, дин, маданият, адабиёт, урф-одат бирлигига асосланади.

– Озод Туркистонда давлат тузилиши ва идораси жумҳурият бўлиб, ҳокимият асосини демократия йўли билан сайланган миллат мажлиси, ёки вилоят ва шаҳарларда, вилоят ҳам шаҳар мажлислари (земство) ташкил қилади.

– Марказий ҳукумат аъзолари миллат мажлисининг розилигига кўра Жумҳурият раиси томонидан, вилоятлардаги бошлиқлар эса марказий ҳукумат тарафидан тайинланажак. Вилоят ва шаҳар идора мажлисларининг раислари шу мажлисининг ўзида сайланиб қўйилажак. Миллат мажлиси, Жумҳурият раиси, вилоят мажлисларини сайлаш тартиби мустақил Туркистоннинг биринчи қурултой томонидан белгиланажак.

– Туркистонда турк бўлмаган озчилик ҳам маданий ҳуқуқлардан фойдаланажак. Туркий халқлар Туркистон маданиятини кучли равишда яшатиш учун яқдиллик билан фаоллик кўрсатишлари керак.

– Туркистон миллий ҳукумати Туркистон миллий аскарига таянажак; ҳарбий хизмат мажбурий.

– Ички осойишталикни сақлаш учун вилоят идоралари жойларда полиция ташкил қилади ва бу уюшма мамлакатнинг миллий ҳуқуқи уюшмаларига боғлиқ бўлажак.

– Мамлакатда виждон эркинлиги тўла таъминланажак. Диний ибодат ва урф-одатни эркин равишда бошқариш давлат йўли билан таъминланажак. Мамлакатда бошқа дин айғоқчиларининг иш олиб боришларига рухсат берилмайди.

– Матбуот ва наشريёт ҳуррияти ҳам шахс эркинлиги давлатнинг асосий қонунилари тарафидан таъмин этилажак.

– Мамлакатнинг асосий солиғи киримга қараб олинажак. Меросдан ҳам солиқ олинажак. Туркистонда эски замонлардан қолган ҳар хил олиқ-солиқлар бекор қилинажак.

– Ернинг, ер ости ва ер юзи бойликлари, ўрмонлар, ҳавзалар давлат мулкига ўтажак. Ер деҳқонларга (қашшоқ деҳқонларга) хусусий мулк қилиб берилажак.

– Туркистоннинг озодлиги иқтисодий мустақиллик асосидагина амалга оширилув. Шунинг учун Туркистон бошқа қўшни давлатлар билан иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги замон тузилиши асосида оёққа туриб, тобора ривожланиб боришини таъмин қилишга ҳаракат қилинажак.

– Туркистонда қозоқ, қирғиз, туркман халқларидаги энг муҳим масала – кўчманчи қавмларнинг ўтrock ҳаётига ўтиши. Бу масала катта-катта, серсув воҳалар ёқаларида янги катта қурилишлар қилиш йўли билан ҳал этилажак. Туркистонда туркий халқлардан ҳам мусулмонлардан бошқа кўчиб келувчилар қабул қилинмаяжак.

– Туркистонда ишчилар масаласи шу мамлакатдаги миллий са-

ноатнинг ўсишига боғлиқ. Ишсизларнинг иш шартлари, иш соати, болаларнинг ва хотинларнинг иш шартлари, сўғурта ва бошқа масалалар илғор мамлакатлардаги йўллар бўйича тартибга солинажак.

– Адлия масаласида тўла мустақиллик ва ҳар ким учун тенг ҳуқуқлилиқ. Дини ва дунёқараши қандай бўлишидан қатъи назар ҳар бир киши ҳозирги замон қонунилари ҳимояси билан таъмин этилажак.

– Маориф соҳасида тўлиқсиз, бошланғич таълим олиш имкониятлари яратилажак. Мамлакатнинг



Аҳмад Закий Валидий Тўғон:

ҚУРБОНЛАР БИЗ БЎЛМАЯЖАКМИЗ!

ўз граждандари, давлат манфаатларига қарши келмаган ҳолда, хусусий мактаблар очишга ҳуқуқли.

– Туркистонда энг аввало профессионал мактаблар йўлга қўйилажак. Европага ўқувчилар юборишга аҳамият берилажак.

– Қадимий маданият ўчоғи бўлган Туркистонда асрлар мобайнида юзага келган маданият ёдгорликлари ҳимоя остига олинажак. Улар миллий маданиятнинг ўсишига хизмат этажак.

Туркистон миллий бирлиги тузилиши

Биз партия программаларини ва Умумплатформани белгиладик. Лекин Умумкомитетни бир қанча вақт тuzолмай қийналдик. Бунинг сабаби – бухороликлар билан тошкентликлар орасидаги қабилавий зиддиятлар, бунинг устига, ўзбекларнинг қозоқларга шубҳа билан қарashi бўлди. Шу боис Умумкомитетнинг раислигига ким тавсия қилинган тақдирда ҳам қабул бўлмас эди. Бухороликлар ўз ўрталарида бу вазифани бажарадиган киши йўқлигини тушундилар. Бир томондан Абдулқодир Мухитдинов, иккинчи томондан Файзулла Хўжа гуруҳлари бир-бири билан келишмай, ҳеч бири Умумкомитетга иккинчи гуруҳ одамидан раис бўлишга кўнмади. Биз бошқирлар, тошкентлик Мунаввар Қорини тавсия қилдик. Лекин бухоролик вакиллар буни қабул қилмадилар. Иккинчи ёқдан, Комитет раиси агар зарур бўлса, очик яшайдан воз кечиб, яшириниб яшашга ҳам тайёр бўлиши керак. Мунаввар Қори шу шартларга ҳам рози эди. Тожикларнинг таниқли кишиларидан Садриддин Айнийнинг тавсия қилиб кўрдик. Лекин у яширин ҳолда яшашга ўтмаган тақдирдагина раислик қилишга рози бўлди. Уни сайламоқчи бўлганлар оз эди.

30 июль кечаси бир қарорга келинди

Июлда Анқарадан Буюк Миллат мажлиси аъзоси Ислол Сўфи Сўйгалли ўғли Бухорога келди. У бу ерда расмий равишда комму-

нистлар тарафдори бўлган бир турк депутати сифатида саёҳат қиларди. Шу тўғайли Туркистонни мустақил равишда кезиш имкониятига эга бўлди. Ҳатто Хивага ҳам бориб келди. Мустафо Камол пошо томонидан топшириқ олган экан. У киши Бухорода вақтимда мен билан бир неча марта учрашиб, розилигимни олгач, ўзaro рақобатчи ўзбек ва тожик доиралари билан учрашди. Умумкомитет ташкил қилишнинг тўсиққа учраганлигини сезиб, бир кеч у гуруҳларнинг ҳаммасини бир ерга тўпланишини тавсия қилди.

ёнига иккита ёрдамчи юбордик. Улар Қўлоб томондаги босмачилар раиси Давлатманд олдида қолиб, Жамият билан алоқа ўрнатди ва лақай уруғининг раҳбарлари билан алоқа боғладик.

Заъфарон юз билан йиртиқ кийим

Курашга кўтариладиганлар билан яқиндан алоқа ўрнатиш, сентябрда тўпланадиган Конгрессга тайёргарлик кўриш учун 5 августда ёлғиз ўзим отга миниб, Кармана йўли билан Самарқандга жўнадим.

30 июль кечаси Мирза Абдулқодирнинг уйида йиғилдик. Сўфибек турли гуруҳлар билан гаплашгач, Умумкомитет раислигига мени сайлашни тавсия қилди. Унинг бу таклифини қабул этдилар. Мазкур йиғилишда у жуда яхши нутқ сўзлади. Кейинроқ катта бир йиғилишда ўша тавсиясини яна бир бор такрорлади. Бу ерда ҳам қабул қилдилар. Марказий Комитетнинг бошқа аъзолари ҳам ўша йиғилишда сайландилар. Шундай қилиб, 2 августда мен Туркистон Миллий Бирлигининг, яъни Умумкомитетнинг раиси сифатида иш бошладим.

Мазкур синов кунларида янги Туркиядан Мустафо Камол пошо тарафидан юборилган депутатнинг, қозоқ Алаш Урда вакилларининг, айниқса, Диншеннинг, шунингдек, Афғон элчиси Абдурасулхоннинг Туркистонда бир Миллий Кураш Маркази тузишга қатъий ва жиддий таъсирлари бўлди. Буни юқори баҳолаган Мирзо Абдулқодир менга чиройли ёзувли ипак жойнамоз билан бирга олтин соат совға қилди.

Мухрдаги хато

Усмон Хўжа Шерободдан бир хат жўнатиб, мени комитетнинг раиси сифатида кўрганлигидан жуда рози эканлигини изҳор қилди. 2-5 августда Миллий Бирлик Конгресси йиғилди. Бу эса Москва Конгрессидан кейин йиғилган бешинчи Конгресс бўлди. Комитетга Ўрта Осие Миллий Мусулмон Жамиятлари Федерацияси номи берилди. Жамият аъзоларидан бир тожик дўстимиз жамиятнинг марказий комитети учун муҳр ясаттирди. Ҳали ҳам қўлимда бўлган бу муҳрга «Ўрта» сўзи «ўтар» деб ёзилган. Кулишдик, лекин шу ҳолда қолди. Жамият уставининг умумий фикрлари ҳам шу йиғилишда қабул қилинди. Сентябрь ойида Самарқандда янги бир Конгресс чақириб, босмачи гуруҳлар билан тез орада алоқа ўрнатиш, уларга сиёсий маслаҳатчилар жўнатишга қарор қилдик. Ҳали июндаёқ Шарқий Бухоро босмачилари олдида жўнатишган Мустафо Шоҳқул

Хотиним билан Харис Сасанбой номли соқчи солдатим темир йўл билан жўнадилар. Кўринишим қишлоқчи ўзбекларга ўхшайди. Шундай бўлса-да, солдатларга учраб қолмасликка ҳаракат қилдим.

Кўрғон деган ўтаётган вақтда, бу ерда ҳарбийлар тўдаси бўлишини эшитиб, кечқурун Ойобод деган ердаги Қумушота қабрига келиб, бир бечора шайхнинг кулбасида тунни ўтказдим. Отим ва ўзимга егулик ҳозирлади. Овқати ночор толқон экан. Ёпини ётишга бирор тоза нарса беролмаганидан хижолат чекди. Қабр дарчаси тагида авлиёлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинган бир китоб ётарди. Китобни қўлимга олиб, форсча бир шеър ёздим: «Маъноси: «Бунда заъфарон юз билан йиртиқ кийимгина бор. Ипак кийим билан ипак матонинг бозори нома ёрдадир». Шайх: «Китобга нима ёздинг?» деб сўради. У ўзига аввалдан маълум бўлган шеърни ўқигач, кўзларига ёш келди. У билан ярим кечагача гаплашиб ўтирдик. Дунё аҳволидан жуда яхши хабардор одам экан. Ўша атрофда гуруҳи бўлган Қорақулбек билан ҳам таниш экан.

Эрталаб азонда бирга намоз ўқидик. Сут олиб келди, чой ичирди. Дўстлашиб, хайрлашдик. Бир йил ўтгандан кейин бу қариянинг даргоҳига яна бир бор дуч келдик. У Қорақулбекка мен ҳақимда гапирган экан: «Ким билсин, балки Хизр Илс эдимиз?» дебди. Шайхни кўргандан кейин, Қорақулбек: «Хизрингизни олиб келдим», деб ҳазиллашди. Яна бир тун ўша шайхнинг олдида қолдим. Хотиним Нафиса жамиятнинг Қўзи Хайдар номли бир зиёли аъзосининг боғ ҳовлисида жойлашган эди, мен ҳам ўша ерга бордим.

Шерали ТУРДИЕВ таржимаси асосида тайёрланди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Резервга ёки истеъфога бўшатишган ҳарбийлар учун қандай имтиёзлар бор?

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш фаровонлигини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳукуватимиз томонидан ҳарбий қурилиш соҳасига оид белгиланган устувор вазифалар, кенг қўламли ишларда ўз аксини топмоқда.

Жумладан, резервга ва истеъфога бўшатишган ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимояси доимо давлатимиз раҳбариятининг диққат марказида бўлган масалалардан саналади.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда захирага бўшатишган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини тиклаш, уларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш, улар ва уларнинг оила аъзолари заиф гуруҳларининг (ногиронлар, кекса фахрийлар, ҳалок бўлган ҳарбийлар оилалари, кўп болали оилалар) ижтимоий ҳимояси масалалари тартибга солинган. Ушбу ҳужжатларда захирага бўшатишган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига қуйидаги кафолатлар белгиланган:

- ҳарбий хизматчи умумий ҳисобда 20 йил хизмат қилса, у имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга;
- ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига ва беваларига қонунга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган пенсияларига энг кам ойлик иш ҳақининг 30% миқдорига устама ҳақ белгиланади;

– ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, 10 йилдан ошмаган давр иш стажига қўшиб ҳисобланади;

– захирага бўшатишган ҳарбий хизматчилар ҳарбий академик лицейлар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига имтиёзли равишда ишга қабул қилинадилар;

– улар тегишли маълумотга ва касбий тайёр-гарликка, юксак ахлоқий сифатларга эга бўлганда педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга;

– муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, қўмондонликнинг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар олий таълим муассасаларига киришда тест синовлари натижаларига кўра тўплаган балларининг 50% миқдорига қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўладилар;

– 20 йилдан кўп ҳарбий хизмат ўтаган катта офицер ва генераллар ҳарбий тиббий комиссиясининг ҳулосасига асосан йилда бир марта стационар довланишга ёки санатория-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига бориш ва қайтишда темир йўл, ҳаво, сув ва автомобиль транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга;

– ҳарбий хизматчи резервга бўшатишган ёки истеъфога чиққандан кейин, бўшатишган кундан бошлаб ўзоғи билан 3 ой ичида ишга жойлашиш масаласида иш берувчига мурожаат этган бўлса, аввалги иш жойида ишга жойлашиш ҳуқуқига эга;

– ҳарбий хизматдан бўшатишганда 10 тоннагача бўлган шахсий буюмларини ҳаво транспортидан ташқари бошқа транспорт турларида бепул ташиш ҳуқуқига эга;

– ҳарбий хизматдан бўшатишганда ўзи ва оила аъзолари танланган яшаш жойига транспорт хизматидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга;

– ҳарбий хизматда бўлишнинг чегара ёшига етганлиги, соғлиғи ёмонлашганлиги ёки штатлар қисқарганлиги муносабати билан ҳарбий хизматдан бўшатишган, полковник ва ундан юқори унвондаги, фахрий унвонларга эга, илмий даража ва илмий унвонларига эга бўлган ҳарбий хизматчилар бир хона ёки 16 кв.м миқдорига қўшимча тураржой майдони олиш ҳуқуқига эга;

– истеъфога чиққан ҳарбий хизматчининг жон бошига ўртача ойлик даромади энг кам иш ҳақидан паст бўлса, ижарага олиш шартномаси бўйича, тегишли ҳокимлик томонидан коммунал уй-жой фондидан тураржой берилди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар фуқаролик тартибда умумий қонунчиликда белгиланган пенсия, тиббий таъминот, бошқа ижтимоий кафолат ва имтиёزلардан фойдаланадилар.

Полковник Бобир НЕГМАТОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

МАҚСАД САРИ ИЛК ОДИМ

Хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда ногиронлик олган Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи ўн бир нафар ҳарбий хизматчининг фарзандларига олий таълим муассасаларига квота асосида ўқишга кириш имтиёзини берувчи тавсияномалар топширилди.

– Тошкент ахборот технологиялари университетида ўқишга кириш, – дейди тавсиянома олган ёшлардан бири марҳум кичик сержант П. Абдуллаевнинг қизи З. Сайдуллаева. – Кириш имтиҳонларига анчадан бери тайёрланыпман. Бу тавсиянома қалбимдаги ишончини янаям мустаҳкамлади. Шундай бўлса-да имтиҳонгача ўқиш, ўрганишдан тўхтамайман.

– Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига кўрсатилаётган бу каби эътибордан бошим кўкка етди, – дейди марҳум катта лейтенант Н. Абкелямовнинг фарзанди А. Абкелямов. – Бугун мен орузим сари дастлабки қадамни қўйдим. Зиммамда улкан масъулият борлигини ҳис қилиб турибман. Шундай экан, келажакда эгаллайдиган соҳамнинг етук мутахассиси бўлиб, билдирилган ишончини шараф билан оқлашга ваъда бераман!



Адлия майори И. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Чирчиқ ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

В Государственном музее Вооруженных Сил Республики Узбекистан прошло торжественное мероприятие, посвященное вручению детям военнослужащих рекомендаций на льготное поступление в вузы.

Дети военнослужащих получили льготы

Вручая рекомендации, руководство Войск противовоздушной обороны и военно-воздушных сил Республики Узбекистан отметило, что военнослужащие в нашей стране всегда в почете, а то внимание, которое уделяется руководством страны военнослужащим и членам их семей заслуживает высшей похвалы.

Сегодня в душах и сердцах молодежи – детей военнослужащих настоящее торжество. Как и многие из врученных сын подполковника Мадаминжона Толипова на седьмом небе. Толипжон Эминов уже давно перед собой поставил цель – поступить в Ташкентский государственный экономический университет.

– Благодаря руководству нашей страны, Министерства обороны и командованию воинской части в котором служит мой отец, – говорит Толип, – удостоился данной квоты. Для меня большая гордость, что мой отец – военнослужащий. И я приложу все усилия, что оправдать доверие своей страны, родителей.

Чингиз РАИМБЕРДИЕВ



ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАЙТГАН ҚЎМОНДОНЛИК

Президентимизнинг 2018 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларининг тоифаланган объектларни қўриқлаш бўйича жанговар-хизмат фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Мудофаа вазирлиги тизимида янги қўшин тури – **Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги** ташкил этилди.

АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

Шу асосда қўмондонлик зиммасига мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда стратегик аҳамиятга эга бўлган тоифаланган объектларини қўриқлаш ва мудофаа қилиш, уларнинг барқарор фаолиятини издан чиқаришга қаратилган ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ҳамда ташиладиган махсус юкларнинг бутлигини сақлашдек масъулиятли вазифа юкланди.

Ўтган икки йил ичида қўмондонлик қўшинларида жанговар шайликни ошириш, бўлинмаларни замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, ўз касбини профессионал даражада эгаллаган, мураккаб вазиятда мустақил қарор қабул қила оладиган ҳарбий кадрлар билан бутлаш, таълим-тарбия ва мустақам ижтимоий ҳимоя борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

РАҚАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Хусусан, жанговар хизмат мубайнида **13 254 нафар ҳуқуқбузар** ушланди. Объектлар ҳудудидан **6.5 млрд сўмдан ортик моддий-товар бойликлар**ни олиб чиқишга уриниш бўйича **1 165 та ҳолатнинг** олди олинди.

Қўриқланаётган объектлар ҳамда ҳарбий қисмлар ҳудуд ва ён атрофида ҳамкор ташкилотлар билан бирга **931 та профилактик тадбир** ўтказилди. Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги бўлинмалари томонидан **1 360 мартаба махсус юкни кузатиш тадбирлари** амалга оширилди.



Ҳарбий қисмларда жанговар шайликни қўққисдан текшириш режасига асосан, жами **680 мартаба текширув, 126 та махсус-тактик ўқув** ўтказилди. Бундан ташқари, **512 та ўқув услубий йиғин, 52 та дала-ўқув машғулоти** ва **803 марта жанговар қуроллардан амалий ўқ-отиш машқи** амалга оширилди.

Қўмондонлик штаби ва ҳарбий қисмларига **120 км.дан ортик оптик толали алоқа линиялари** ўтказилди. Тоифаланган объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳудудлар муҳандис-техник қўриқлов ҳамда **30 турдаги 5 000 дан ортик алоқа ва ахборотлаштириш воситалари** билан жиҳозланди. Қўмондонлик ва бўйсунувчи ҳарбий қисмлар ўртасида видео-конференция алоқаси ташкил қилинди. Қўшинлар **500 га яқин радиоалоқа воситалари** билан таъминланди. Шунингдек, ҳарбий қисмлар инфратузилмасини янада яхшилаш мақсадида қўриқлаш ишлари, жумладан,

замонавий андозалар асосидаги маданият марказлари ва кутубхоналар қурилиши давом этмоқда. Қўмондонлик бошқарув аппаратида адиблар хиёбони ва музей қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилаётир.

Қувонарлиси шундаки, ўтган йили мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида Қамчиқ довоида жойлашган ҳарбий

қисмда замонавий янги шаҳарча қуриб фойдаланишга топширилган, қўмондонлик бошқарув аппаратининг биноси капитал таъмирланган бўлса, жорий йилда Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Андижон ва Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларда ҳарбий шаҳарчалар, ошхона, маданият марказлари, спорт мажмуалари, кутубхона ва Ёшлар иттифоқи ҳарбий қисм бошланғич ташкилоти хонаси, жанговар ва махсус-тактик тайёргарлик ўқув синфлари замон талабларига мос равишда қуриб битказилди.

ТАРБИЯВИЙ ВА МАФКУРАВИЙ ИШЛАР ЙЎНАЛИШИДА

Бунда асосий эътибор ҳарбий қисмларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни шакллантиришга, ҳарбий хизматчиларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялашга қаратилмоқда. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» ҳамда «Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик» кўнлари муносабати билан қўшинларда **6 000 дан ортик ҳуқуқий-профилактик, маънавий-маърифий ва маданий-ҳордиқ тадбирлари** ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус доирасида ҳам





«Беш ташаббус – беш имконият» шиори остида ҳарбий қисмларда маданият, санъат, спорт, адабиёт, компьютер саводхонлиги тўғараклари, шунингдек ҳарбий хизматчилар турмуш ўртоқларининг бандлигини таъминлаш мақсадида тикув цехлари, гўзаллик салонлари фаолияти йўлга қўйилди. Бўлимларда барча қулайликларга эга, замонавий маданият марказлари, бадиий ва ўқув адабиётлари ҳамда электрон ва аудио китоблар билан бойитилган кутубхоналар шакллантирилиб, **30 000 дан ортиқ турли мазмундаги китоблар** харид қилинди.

лар, «Мардлик», «Жасорат» ва «Мустақиллик» дарслари мунтазам ўтказилмоқда.

ХАЛҚҚА ЧИН ДЎСТ, КАМАРБАСТА

Қўмондонлик ҳарбийлари ватанпарварлик ва хайру саховат қарвонлари билан республикамизнинг чекка-чекка қишлоқлари-ю овулларигача кириб бориб, ватандошларимизни, айниқса ёшларни юртга садоқат руҳида тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Аҳолининг эҳтиёжманд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ва маънавий кўмак берилаётир.

Шунингдек, эл бошига тушган синовли кунларда коронавирус пандемиясига қарши курашишда карантинга олинган ҳудудлар

сак **давлат мукофотлари** ҳамда Мудофаа вазирининг тегишли буйруқлари билан эса **115 нафар ҳарбий хизматчи биринчи, иккинчи ва учинчи даражали «Намунали хизматлари учун» эсдалик кўкрак нишонлари** билан тақдирланди.

Ижтимоий ҳимоя масаласида ҳарбий хизматчиларни ўй-жой билан таъминлаш, фарзандларига олий таълим муассасаларига ўқишга киришлари учун имтиёзли тавсияномалар бериш, ёзги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар бериш ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган фурсат ичида **269 нафар ҳарбий хизматчининг 290 нафар фарзандига имтиёзли тавсияномалар** берилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги ташкил этилганидан буён ўтган қисқа вақт ичида салмоқли натижаларга эришди.

Капитан Фарида БОБОЖОНОВА, Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги матбуот хизмати бошлиғи



Суратлар тахририят архивидан олинди


Қўмондонлик ҳарбий хизматчилари ҳамда уларнинг фарзандлари республика ва Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловлар, беллашув ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқда.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ҳарбий қисмларда Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари тузилиб, ўқувчи ёшларни тақлиф қилган ҳолда «Очиқ эшиклар куни», шунингдек давлат мукофоти билан тақдирланган намунали ҳарбий хизматчилар иштирокидаги учрашув-

қўриқловини ташкиллаштириш, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида рўй берган фавқулодда ҳолатлардан жабр кўрган аҳолига ёрдам бериш, барча-барчасида фаоллик, жонқуярлик ва фидойилик намунасини кўрсатиб келмоқда.

Ўтган вақт ичида жанговар-хизмат фаолиятида эришган ютуқлари ва намунали ҳарбий интизоми учун **520 нафардан ортиқ офицерлар ҳамда 1 671 нафардан кўпроқ сержантларга дастлабки ҳамда навбатдаги ҳарбий унвонлар** берилди.

Президентимизнинг тегишли фармонларига асосан **8 нафар** ҳарбий хизматчи юк-



СИЁСИЙ ШАРҲ

“ АҚШ, Россия ва Ғарбий Европа каби давлатларнинг жаҳон миқёсида ўзини хилма-хил тутиши ва субъектив сиёсат юргизиши ислом дунёси, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларини ҳам, Жануби-Шарқий Осиёнинг минтақавий раҳнамоларини ҳам ўз хавфсизлигини таъминлаш учун шунга мос қадам ташлашга мажбур қилипти.

Барқарорми беқарор?

Масалан, Покистон, Эрон, Бразилия, Ҳиндистон, Шимолий Корея сингари мамлакатлар аста-секин ўз хавфсизлигини таъминлашнинг муқобил йўллари изламоқда. Шу билан бирга, БМТ ва бошқа ҳукуматлараро ташкилотларнинг халқаро ҳуқуққа риоя этилиши юзасидан кафолат беришга қодир эмаслиги давлатлараро зиддиятлар кучайган бир шароитда айрим мамлакатларни ўз геосиёсий хавфсизлигини таъминлаш учун қуролланиш пойгасига киришишига туртки бераётир. Бундай вазиятда геосиёсий нуқтаи назардан инсоният ўз келажаги учун хотиржам бўла олмайди, айрим давлатлар ҳам халқаро хавфсизликнинг янги системасини яратиш ҳаракатидан тўхтамайдилар. Агар ҳозирги қуролланиш пойгаси ракета-ядро қуролининг аста-секин тарқалишига, балки қўлланилишига кўмаклашишини ҳисобга оладиган бўлсак, «янги дунё тартиботи»нинг геосиёсий ақидалари ва механизмлари беқарор эканига шубҳа қолмайди. Бундан ташқари, ҳозирги жаҳоннинг глобаллашув тенденцияси, мамлакатлар ва минтақалар ривожидagi нотенгликни йўқотиш учун жиддий қадамлар ташланмаётгани, бир томондан, ривожланаётган мамлакатларда аҳоли зичлигининг ошишига олиб келади, назоратсиз миграцияга йўл очади, иккинчи томондан – бу жараён «кўримсиз зона», «жаҳоннинг қора ўпқони» сифатида Африка қитъасининг емирилиши учун шароит яратади, бу маконда цивилизацияни ёйишни қийинлаштиради, уни минтақавий урушлар ва этник-қабилавий ниҳоқлар кучоғига ташлайди.

Бундай бемаъни урушлар ва ниҳоқлар минглаб, баъзан миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритади, инсон ҳуқуқларининг оммавий равишда бузилишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, ҳозирги жаҳон тизими ва «янги дунё тартиботи» геосиёсий тузилмасининг қисқача таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда халқаро муносабатларнинг ҳаммага мақбул тушадиган ва адолатли модели йўқ ва кўпгина давлатлар бугунги бир қутбли тизим таъсирдан воз кечишга тайёр. Моҳият эътибори билан, «янги дунё тартиботи»нинг асосий меъморлари бўлган АҚШ ва унинг Ғарбдаги иттифоқчилари сайёранинг бугунги ва келажакдаги геосиёсий тартиботи масаласида жиддий ташвиш билдирмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси жаҳоннинг бир қутбли сиёсатига муқобил назар ташлаётган бошқа мамлакатлар ва сиёсий марказларнинг роли ва фаолияти кучаяётган бир шароитда бўлиб ўтмоқда.

Саҳнага интилаётган янги номлар

Тадқиқотчилар бир-бирига қарама-қарши денгиз (АҚШ ва НАТОдаги иттифоқчилари) ва қуруқлик (Хитой, Россия, Ҳиндистон) цивилизациялари ўртасида кучаяётган кураш жаҳон системасининг геосиёсий тузилмаси ва шакл шайишли келажагига жиддий таъсир ўтказадиган геосиёсий воқеаликлардан биридир, деб ҳисоблапти. Улар фикрича, Хитой,



ДУНЁ ТАРТИБОТИНИНГ АДОЛАТЛИ МОДЕЛИ БОРМИ?

Россия ва Ҳиндистон мафқуравий ва институцион базис барпо эта олмагани учун бутун жаҳонда, шу жумладан Евроосиё минтақасида, Жануби-Шарқий Осиёда денгиз цивилизацияси устун бўлиб турибди. Бироқ қуруқлик кучлари кундан кунга ўсиб бораётир ва атрофига янги-янги давлатларни тўплаб, Ғарбнинг асосий таъсир соҳаларига хавф туғдирмоқда. Бу жараёнда минтақавий давлатлар – раҳнамолар ва улар барпо этаётган бирлашмалар (масалан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти) асосий роль ўйнамоқда. Бундан ташқари, миллий, диний ва маданий қадриятлар соҳиби бўлган қатор йирик давлатлар (масалан, ислом дунёси, Лотин Америкаси, Жануби-Шарқий Осиёнинг минтақавий йўлбошчилари) иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан аста-секин қучайиб борапти ва БМТ Хавфсизлик Кенгашида вакил бўлишга даъво қилипти. Бу эса, тегишлича, жаҳонда қарама-қаршилиқ ва милитаризациялашнинг кучайишига, ўртача ва минтақавий лидерларнинг ҳар қандай йўл билан атом қуролига эга бўлишга интилишига сабаб бўлмоқда ва охир-оқибат ядро клуби аъзолари сони кўпайишига олиб боради. Ҳозирги вақтда ядро қуроли ва стратегик баллистик ракета қуролига эга бўлган АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Хитой, Ҳиндистон ва Покистон қабиладар сафига эртага Эрон, Шимолий Корея, Япония ва бошқа мамлакатлар қўшилмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Хавф остидаги бир қутбли система

Сиёсатшуносларнинг таҳминлари қараганда, диний ва этномиллий зиддиятлар, сепаратчи кайфиятлар ва цивилизациялараро тўқнашувлар, ўз вақтида уларнинг олдини олмаслик ёки буни истамаслик жаҳоннинг

ҳозирги бир қутбли системасига ва у томонидан вужудга келтирилган дунё тартиботига ўнглаб бўлмайдиган зарба бериши мумкин бўлган салбий омиллардир. Гарчи баъзи тадқиқотчилар социализм ва капитализм системалари блоклари ўртасидаги геостратегик курашнинг барҳам топгани жаҳонда зиддиятларнинг камайишига жиддий таъсир кўрсатди, деб ҳисобласалар-да, бу тахмин ўзини оқламади. «Зиддиятсиз дунё» орзусида

гари сурадилар. Улардан баъзилари ҳозирги зиддиятлар асосида мафқуравий ва иқтисодий сабаблар эмас, балки маданий фарқлар, «тамаддунлар тўқнашуви» (бу ерда гап, энг аввало, америкалик олим Самуэл Хантингтон назарияси ҳақида бормоқда) туради, деб ҳисоблайди. Улар фикрича, бўлгуси тўқнашувлар миллий давлатлар ва мафқуралар орасида эмас, балки айна цивилизациялар орасида содир бўлади. Бу назария

яшаган йирик давлатлар, энг аввало, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари глобаллаштириш жараёнини осойишталик билан амалга ошириш мақсадида зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этишга муайян жидду жаҳд кўрсатдилар ва кўрсатмоқдалар.

Жаҳонда зўравонлик билан олиб борилаётган зиддиятлар сони 1993 йилда 34 та бўлган бўлса, 2019 йилда у 15 тага тушди, аммо шунга қарамай, бугунги кунда рўй бераётган жанжаллар ҳануз жаҳон сиёсий жараёнининг етакчи тенденцияларидан бири бўлиб қолмоқда. Келиб чиқиш сабабларидан қатъи назар, бугунги зиддиятлар инсониятга катта хавф туғдирапти, тобора каттароқ ҳудудларни қамраб, экологик, гуманитар ва ижтимоий фалокатларга олиб борапти. Бу сабаблар турли-тумандир. Улар орасида айрим давлатларнинг ҳудуд даъволари, этник сепаратизм, санаоти ривожланган давлатлар билан хом ашё мамлакатлари ўртасидаги зиддиятлар, назоратсиз қуролланиш, миграция, глобаллашув, глобаллаштиришга қаршилиқ кўрсатиш негизида пайдо бўлган миллатчилик, диний низолар энг кўп учрайди.

Оғирлашиб бораётган зиддиятлар

Жаҳон геосиёсий системасидаги ўзгаришлар, Иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланган миллий давлат чегараларининг бузилиши ҳам зиддиятларни халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал қилишни жуда оғирлаштириб юборди. Жаҳон сиёсатшунослари ҳозирги моҳорларнинг сабаблари ва характеристикасига турли нуқтаи назардан ёндашдилар ва шунга мувофиқ равишда ҳар хил таҳминларни ил-

муаллифларининг айтишича, цивилизациялар орасидан ўтадиган нозик чизиқлар – келгусидаги моҳорлар маконидир.

Цивилизациялар тўқнашуви жараён объектив равишда бир маданиятни бошқаси ҳисобига бойитади, натижада тараққийпарварроқ маданий қадриятлар бошқаларини сиқиб чиқаради, уларнинг тараққиёт соҳисини торайтиради. Бу эса, тегишли равишда, маданий тараққиётнинг тор доирасида турган халқларни анча радикал кайфиятлар билан характерланадиган ҳаракатларга йўллайди. Турли маданиятга мансуб инсонлар орасидаги алоқалар жадаллашган сари уларда ўз цивилизациясининг мумтоз экани тўғрисидаги қарашлар ҳам кучаяди. Бу эса, тегишли равишда, маданий-маънавий мансублигига кўра бир-бирдан фарқ қиладиган инсонлар ўртасида жаҳон миқёсида ҳам, бевосита алоқа ҳудудларида ҳам ихтилофларни чуқурлаштиради ва тўқнашувлар келтириб чиқаради.

Тадқиқотчиларнинг ҳисоблашича, яқин ўн йил ичида Жануби-Шарқий Осиёнинг Хитой, Япония, Ҳиндистон каби давлатларининг жаҳон ахборот маконига, геосиёсий йўллар ва инсониятга таъсир механизмлари АҚШ ва унинг Ғарбдаги иттифоқчилариникидан ҳеч қандай кам бўлмайди. Бу мамлакатларда миллий ва диний дунёқарашнинг, аҳоли орасида аксил-америка ва аксил-Ғарб кайфиятларининг кучайиши, тегишли равишда, бутун жаҳонда тарғиб этилаётган панамерика ва панаевропа ғоялари билан борган сари кўпроқ тўқнашувга олиб келади.

Абдували СОЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи

КАЛЬ НИДОСИ

ҚАЧОН ЭЛ БЎЛАСАН, ЎЗБЕКИМ?

Мен кўпинча қалбим туғён-га келганда халқнинг дардини кўйлаган, бироқ халқ шоири бўлмай армонда кетган Азим Суюннинг кўйдаги сатрларини қайта-қайта эслайм:

Ўзбекининг ўти бор, дерлар,
Ва лекин «чўп»и бор дерлар.
Хайхот, бундай халқ кўрмадим,
Бир-бирин кавлашиб ерлар.

Қуруқ ёғоч ёнишин кўр,
Тараф-тараф ҳамнишин кўр.
Ўзбек ўзбекининг ортидан
Биқиб қилич солишин кўр.

Эрлигини унутган эл –
Эркилигини унутган эл.
Ёвин танглайин кўтариб,
Бирлигини унутган эл.

Ўзбек, қачон эл бўласан?
Тўлиб-тошган сел бўласан?
Шу кетишда кетсанг агар,
Бир кун қора ер бўласан.

Хўш, Азим Суюн бир неча йиллар олдин ўзбекининг «чўп»идан орланиб, халқни бирликка даъват этган бўлса, бугунги халқ шоирлари маддоҳлик ва мунофиқликдан бошқа нимани мадҳ этишяпти?! Ахир бугун ўша «чўп» ва ўша ҳамниш ҳамон қиларини қияпти-ку! Ахир бугун эрлиги ва эркилигини унутган баъзи ўзбеклар ёвин танглайини кўтаришга ҳисса қўшяпти-ку! Ахир бугун тўлиб-тошган сел бўлиш ўрнига қора ер бўлаётган баъзи бировлар лоқайдлик гирдобидида чўкиб, гунг ва гаранг бўляпти-ку! Ўттиз йил олдин ўт-олов бўлган ўзбек нахотки бугун яна ўтин бўлиб қолса?!

Азизлар, эрк ва озодликнинг қадр-қиммати ҳақида ўйламаслик, ўзгаларга қарамлик ва шовинистик хавфни англаб етмаслик, давлат тили ва унинг юридик аҳамиятига бефарқлик, миллий маънавиятимиз ва матбуотимизнинг инқирози, қашоқликнинг кучайиши, мансабга ва халққа нисбатан хиёнат қилиш, порахўрлик ва жазодан қутулиб қолишини сирлари, тарафқашлик ва гуруҳбозликнинг оқибатлари, ташқи сиёсатдаги мавҳумлик ва империяни кўмсаш, ўтмишда озодлигимиз учун курашда қурбон бўлган миллий қаҳрамонларимизнинг номларини тилга олишдан кўрқинлик ва уларга нисбатан ҳурматсизлик, дўстни душмандан ва миллат фидойисини босқинчидан ажрата билмаслик, ахборот хуружларига нисбатан лоқайдлик ва юрт шаънига эътиборсизлик билан боғлиқ масалаларга ҳолис ёндашишда оддий фуқароларнинг фаоллиги яққол сезилаётгани ҳолда нега мансаб-мартаба ва мукофотдан умидвор машҳурлар, яъни халқ шоирлари, халқ ёзувчилари, бош муҳаррирликдан кетса, инфаркт ёки инсультга йўлиқадиган кекса журналистлар, турли соҳаларнинг номдор олимлари, беш йил мобайнида катта маош сеҳрида муд-

«Ватанпарвар» газетаси ва «Ўзбекистон армияси» журналидаги ҳамкасбларим мени нафақат устоз, балки ота ўрнида кўришади. Бу ижодий жамоадаги муҳит бошқа ҳеч бир нашрда йўқ. Шунинг учун саксонни қоралаб қолган бўлсам-да, бу жамоани тарк эта олмаяпман.

раб маза қиладиган депутатлар, имкониятдан фойдаланиб, тезроқ ўмариб қолиш ташвишида юрган мансабдорлар ва ниҳоят, миллионлаб томошабинлар, лоқайдлар ва маддоҳлар оқими эса пайт пойлаш билан овора?! Бундай вазиятда беихтиёр Азим Суюннинг яна кўйдаги сўзлари ёдга тушади:

Гал танобини тортайин,
Дардимни кимга айттайин?!
Ўз элимни қарғамасдим,
Тузалмас, ҳей, қайтайин?!

Биз билан бирга мустамлака зулмидан озод бўлган украинлар, грузинлар, латишлар, литвалликлар, эстонлар юқорида мен айтган масалалар юзасидан аллақачон бир қарорга келиб, ўзларининг мустақиллик устунларини мустаҳкамлаб бўлдилар-у, биз бўлса бу устунни хом ғишт билан мустаҳкамласак-микан, деб иккиланиб юрибмиз. Азизлар, бунақада «Сардоба» сув омборининг аҳволига тушамиз. Унда кимлардир томонидан бошқариладиган қарамлик тошқини юртимизнинг бугуни тугул ўтмиши-ю келажагини ҳам ювиб кетади. Нима, 2 фоиз аҳоли тилга, дилга, иқтисодга, маънавиятга, ҳақ-ҳуқуққа ҳукмронликни даъво қилаётган бўлса, 85 фоиз юрт эгаси яна қуллик исканжасида қолади-ми?! Бу – ақлга сиғмайдиган ҳақорат-ку! Аввало, ўз она тилини камситиб, ўзгалар тилига сиғинаётганларга лаънатлар бўлсин! Қолаверса, 34 миллионли катта бир давлатни, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган халқни, кўплаб авлиё ва улуг инсонлар ётган азиз тупроқни оёқости қилмоқчи бўлаётганларга малайлик қилаётган сотқинлар халқнинг қарғиши ва нафратига учрасин! Маदдоҳлик ва мунофиқликни касб қилиб олиб, жамиятни издан чиқаришга ҳисса қўшаётганлар миллатнинг қаҳрига йўлиқсин!

Мен ўттиз йилдан бери буюк-давлатчилик ва буюкмиллатчилик шовинизми билан заҳарланган давлатлар, халқлар, сиёсий кучлар ва гуруҳларнинг Ўзбекистонга қаратилган ахборот хуружларига қарши курашиб келяпман. Ҳар йили юзга яқин ҳозиржавоб шарҳларим, памфлетларим, фельетонларим ва луқмаларим билан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қиламан. Шу йўналишда тўртта китоб нашр

этирдим. Ҳарбий қисмларда, Миллий гвардия ва Давлат хавфсизлик хизмати, адлия, ички ишлар, ҳарбий суд, ҳарбий прокуратура тизимларида ҳамда Қурулли Кучлар академиясида матбуотдаги чиқишларимни ўқийдиганлар ва оғзаки маърузаларимни тинглайдиганлар кўп. Учрашувларда саволларга кўмиб юборишади. Айниқса, ҳарбийлар, уларнинг орасида қисм командирлари ҳам бор. Мен улар билан ота-боладек бўлиб кетганман. Баъзан сиёсатга қизиқувчи офицерлар уйимга келиб, ўзларини қизиқтирадиган саволларга жавоб олиб кетишади. Албатта, бу менда фахр-ифтихор уйғотади. «Ватанпарвар» газетаси ва «Ўзбекистон армияси» журналидаги ҳамкасбларим мени нафақат устоз, балки ота ўрнида кўришади. Бу ижодий жамоадаги муҳит бошқа ҳеч бир нашрда йўқ. Шунинг учун саксонни қоралаб қолган бўлсам-да, бу жамоани тарк эта олмаяпман.

Мени бошқа бир нарса ажаблантиради. Ўзбекистонга отиладиган ҳар қандай тошга ва бўҳтонга ўзимнинг ўткир памфлетларим билан муносиб зарба берсам ҳам, биронта ҳам ахборот хуружларини жавобсиз қолдирмасам ҳам, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги ҳар бир мустақил қадамни эътиборсиз қолдирмасам ҳам, давлатимиз манфаатида дахлдор ҳар қандай долзарб масалада ҳозиржавоблик кўрсатсам ҳам Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситаларига раҳбарлик масъулиятини зиммасига олган идора ва ташкилотлардан ҳамда ижодий тизимлардан ҳали бирон марта фалон чиқишингизни ўқидик ёки ўқимадик, деган гапни эшитганим йўқ. Улар ҳамisha жим. Мен халқ душмани ёки мухолифатчи бўлмасам. Хуллас, бундай муносабатнинг сабабини англаб етмадим-да, ўзимча буни онгсизлик ёки сиёсий саводсизликдан ёхуд ҳасад ёки кўролмасликдан бўлса керак, деб хулоса чиқариб қўя қолдим. Чунки ўзлари ёзмайдиганлар ва ёза олмайдиганларда шундай иллат бўлади. Аслида кўп нашрларнинг инқирозга юз тутушига ҳам шу иллат сабабчи.

Босма нашрлар интернет сайтларига ўхшаб популизмга таяна олмайди. Популизм асл журналистиканинг илдиизига болта уради. Бу

ҳақиқат ҳозир ҳеч кимни қизиқтирмайди. Телевидение ва интернет сайтларидаги популистик чиқишлардан кўзланган мақсад бошқа. Яъни Азим Суюн айтганидек:

Шафак бағри алвон-алвон,
Тўралардан Ватан вайрон.
Бири чиқса баланд тоққа,
Бири тушар қулатмоққа.

Хўш, бу ахволда қачон эл бўла-миз?! Бу савол тобора долзарб бўлиб бормоқда. Тўғри, интернет сайтларида бюрократлар, порахўрлар, ҳаромхўрлар, зўравонлар, қонунбузарлар, муштумзўрлар ва бошқа муттаҳамларнинг қилмишлари ҳақида далил-ёшталар билан очиқ-ойдин ёзилапти ва гапириляпти. Бироқ тегишли жазо чоралари кўрилмаётганлиги ҳамани хайратлантirmoқда. Қайтага тўғри гапириб, тўғри маълумот берганлар, гувоҳликка ўтганлар ҳамда жабранганлар жазоланяпти. Бунга сабаб шуки, раҳбарлик курсисига ўтирганлар дарҳол атрофига ўз одамларини тўплаб олишяпти ва жиноят қилган ҳамда қонунни бузган ўз гунаҳтарини жазолашмаяпти. Оқибатда турли қилёғаларда турланиб-тусланиб турадиган маддоҳ гунаҳтарлар тезроқ жигилдонларига сиққанича ўмариб қолиш пайида бўлишяпти. Улардан улуш олаётган раҳбар эса узоқ ишлашга кўзи етмагани учун ўмариш конвейерига раҳнамоликни қойиллатяпти. Халқимиз бу ҳолатни туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида энсаси қотган ҳолда кўриб ва кузатиб турибди. Мабодо конвейер раҳнамоси бошқа ишга ўтса, ишонч қозонган гунаҳтарини янги жойга олиб кетяпти. Интернет сайтларидаги материалларни ўқиган ҳар қандай одам айнан шундай хулосага келади.

Кўплаб ўмариш конвейерларининг раҳнамолири ўзининг ва ўз гунаҳтарининг нафсини қондириб пайида бўлар эканлар, асосий ишларини иш излаб дайдиб юрганлар, ёлланганлар, қуллик ҳолатидаги бечоралар, бошига ташвиш тушиб, қарздор бўлиб қолганлар ва бошқа муҳтожларга бажартириб, уларни бир марталик чой-чақа пули бериш билан алдашяпти. Бу ҳолатни курилишларда, кичик корхоналар ва хизмат кўрсатиш тармоқларида кўриш мумкин. Бир сўз билан айтганда, ўзбек ўзбекини алдашяпти ва талапоти, ўзбек ўзбекини камситяпти, ўзбек ўзбекини қул қилиб ёллайпти. Нахотки, 150 йилдан ортққ давом этган қуллик ва қарамлик, қатағон ва хўрлик, жабр-ситам ва азоб-уқубатлардан сўнг бу халқ яна оғир синовлар олдида турган бўлса?!

Бугун тупроғингни ёв олгани йўқ, юртинга қирон солгани йўқ, озодлигинг ва эркин ўз қўлингга бўла туриб, нега эл бўлиб, сел бўлиб, ўзлигингни намоён эта олмаяпсан, ўзбекингми?!

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

ТАШРИФ

Улкан муҳорабада санокли лашкари билан қолган султон Жалолоддин сўнгиги умиди ва кучини йиғиб, ёвга қарши курашмоқда. Унинг чапдастлиги, жасурлиги, ҳарб илми борасида билимдонлиги рақибнинг ҳам ҳавасини, ҳам ҳасадини келтиради.

«ЖАМЛАР ВАМАЖДАЖ ЖАЪАР БЕРАРДИ!»



Ўзбек Миллий академик драма театрига борганимизда у ерда «Султон Жалолоддин» спектаклининг репетиция жараёни кетаётган экан. Репетиция тугагандан сўнг сахна асарига асосий роллардан бири – Хоразмшоҳ образини моҳирлик билан ижро этаётган актёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дюбляж устаси Беҳзод Муҳаммадкаримовнинг армия хотираларини тинглашга ва уни сизга-да ҳавола этишни лозим топдик.

– Ёшлик йиллари... буни эслашнинг ўзи мароқли, – дейди суҳбатдошимиз бизни театрнинг пардозлаш хонасига бошларкан. – Куч-қувватга, орзу-шижоатга тўла бир даврдаги армия йилларини эсламай бўларканми! Чунки йигитлик мактабидаги бу паллада одам келгусидаги ҳаёти учун жуда зарур кўникмаларни эгаллайди. Қатъият, ўзига нисбатан ишонч, ғурурни ўстирадиган, йигитни ҳар томонлама тоблайдиган маскан бу – армия.

Мен Москванинг қуюқ ўрмонларида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида хизмат қилганман. Ўзим табиатни жуда севаман. У ердаги муҳит кирсангиз адашиб кетгудек ўрмонзор манзараси, тоза ҳаво жуда ёқимли эди. Эрталаб уйғониб, сафга туриш соат 6 да

бошланса, биз, осиеликлар, айниқса ўзбеклар соат 5 да уйғониб, сафга турганча дарахтзор ичида бир югуриб келишга улгурардик. Бошқа юмушларда, жамоат ишлари борми, машғулотларми, ҳаммасида биринчилар сафига бўлишга интилардик. Командирларимиздан гап эшитмасликка, доим олдинги сафга туришга ҳаракат қилардик.

Оилада тўрт ўғил бўлсак, биринчи бўлиб мен узоққа кетганим учун уйдагиларнинг кўникиши қийинроқ бўлган. Айниқса, онамнинг соғинчли мактублари ҳамон ёдимда. У пайтлар ҳозиргидек алоқа воситалари, телефонлар қаёқда дейсиз. Соғинган борки, яқинига хат ёзарди. Хатлар ҳам «Салом хат!» деб бошларди. Хат ташувчи амаки эса ҳамманинг эркатойи эди. Уйдан хат келган аскарлар-

га ҳазил қилган, «эритган», рақсга туширган ҳам шу киши эди. Унинг ҳамма эркалигини кўтарардик. Чунки у Ватандан хабар олиб келарди-да!.. Биз хизмат қилган йилларнинг ўз қийинчилиги,

бақувват, соғлом. Маънавияти ҳам борган сари ўсиб борапти. Шундай бўлиши ҳам керак. Чунки тинчликни асраш ҳозир улкан масъулиятни талаб этади. Шуни таъминлаб турган посбон йигитларимиз ҳаммаша омон бўлишсин.

Гувоҳи бўлганимиз айти пайтда Назар Эшонқулнинг «Султон Жалолоддин» асари асосида спектакль сахналаштириляпти. Унда буюк давлат ҳукмдори Хоразмшоҳ образини яратяпман. Ўзи институтга кириш имтиҳонларида ҳам айнан шу образни ўйнашга ҳаракат қилганман. Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолоддин Мангуберди» асарида Хоразмшоҳ юрти Чингизхон томонидан тор-мор келтирилишида, мамлакатнинг таназзулга юз тутишида асосий айбдор саналади. Бугунги пьесада эса айбдор унинг онаси этиб тасвирланган. Мана шу жиҳат мени бир оз ўйлантиряпти. Образимга келсак, Хоразмшоҳ вазмин одам. Лекин ички бир қўрқуви борки, бу унинг салтанатдан ажралиб қолишдаги ҳадиги. Ана шу қўрқув бора-бора сиртига қалқиб, ўзини ҳам, халқини ҳам барбод қилади.

Тарихий асар мазмуни кўпчиликка таниш, сахнадаги ижроимизга эса томошабинлар баҳо беришади. Истардимки, ҳарбий хизматчилар ҳам театримизга мунтазам оилавий келиб туришса. Театр репертуаридан турли мавзудаги сахна асарлари ўрин олган. Келишсин, кўришсин, жонли ижродан баҳраманд бўлишсин.

Наргиза АСАДОВА
суҳбатлашди.

чидаш керак бўлган томонлари ҳам бор эди. Мусофирлик заҳмати камдек, соппа-соғ бўлсанг ҳам, миллат сифатида камситилишлар жонга тегарди. Юртини, ўз одамларимизни, беминнат нон-тузини соғинардим.

Қанча замонлар ўтди. Давр ўзгарди. Бугун ҳарбийлик касбига йигитлар ўзи ҳавас қилиб борапти. Армияга кузатиш урушга кузатишдек ваҳимали эмас, байрам қилинапти. Ҳарбий қисмларга борсак, ошхоналарини кўриб, рестораними, дейсиз. Таомномада йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Шунинг учун йигитларимиз

СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Тарих тажрибаси шундай: қонун устуворлиги ва суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллиги таъминланмасдан туриб, демократик давлатга айланишнинг имкони йўқ. Фуқароларнинг ҳуқуқ эркинликларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, судья ва суд органлари ходимларини халқ манфаатларига хизмат қилишини таъминлаш, суд тизими фаолияти самарадорлигини юксалтириш, одил судловга эришиш ҳар қачонгидан ҳам устувор масаладир.



Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофаза этиш, суд-ҳуқуқ тизимини мустақил институтга айлантириш бўйича самарали ишлар олиб борилди. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилди, судьялик лавозимига муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш), Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартиби, суд процесси иштирокчиларига қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг, унинг мазмун-моҳияти тушунтирилиши амалиётга жорий этилди.

Халқ қабулхоналари ва ҳу-

қумат порталларига фуқаролар томонидан йўлланган ариза ва шикоятлар юзасидан тегишли вазирлик ҳамда идоралар томонидан шошилиш чоралар кўрилаётгани, бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатининг устуворлигига эътибор берилаётганини кенг жамоатчилик эътироф этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан, малакали судьялар ва судлар аппарати ходимларини тайёрлаш ҳамда одил судловнинг юқори даражасига эришиш мақсадида Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг 2019 йил 12 октябрь

куни «Ўзбекистон Республикаси судьяларининг махсус кийими тавсифи ва намунасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, республика судлари судьялари учун махсус кийим ранги тўқ кўк, Конституциявий суд судьялари учун эса тўқ олча рангдан иборат махсус кийим – судья мантияси жорий қилинди.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизими баҳо бериш учун аҳоли ўртасида ижтимоий сўровномалар ўтказилиб келинмоқда. Аммо мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу соҳада қилинадиган ишлар ҳали кўп. Одил судловнинг самарадорлигини таъминлаш учун ташкилий жиҳатларини кучлироқ кўриб

чиқиш керак. Суд хатоларини бартараф этиш бўйича юқори инстанция судларида амалиёт шаклланган. Қуйи судларнинг қарорлари, кассация, апелляция, назорат тартибда қайта кўриб чиқилади. Уларнинг қонунийлиги, холислиги, беғаразлиги, асослилигига баҳо берилади. Халқимиз кўз ўнгида том маънодаги мустақил, аҳолини қониқтирадиган адолатли судни яратиш учун биргаликда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишимиз керак.

Одилжон ИЛҲОМЖОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар Миробод
судининг судьяси

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш зарурати ва тилсиз ёв олиб келиши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида кўп гапирилади. Минг афсуски, бу борадаги йўл-йўриқларга керакли даражада аҳамият бермайдиган юртдошларимиз, раҳбарлар ҳам йўқ эмас.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунда ташкилотлар ва фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги мажбуриятларига қисқача тўхталиб ўтиш жоиз. Демак, ушбу қонуннинг 10-моддасида белгиланганидек ташкилотлар, жумладан, ёнғиндан сақлаш

хизмати мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши; ёнғинга қарши тарғибот ўтказиши ва ўз ходимларига ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиши; ўзига қарашли ёнғинга қарши ҳимоя тизими ва воситаларини, ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини,

МАЖБУРИЯТЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА

ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларини ишга яроқли ҳолда сақлаши, улардан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланилишига йўл қўймаслиги; ўз ҳудудидаги ёнғинларни ўчириш чоғида зарур куч ва воситаларни белгиланган тартибда бериши шарт. 11-моддага мувофиқ эса фуқаролар:

ёнғинни сезиб қолганда бу ҳақда ёнғиндан сақлаш хизматида дарҳол хабар қилиши; ўзига қарашли ишлаб чиқариш, хўжалик бинолари, тураржойлар ва бошқа бинолар ҳамда иморатларни белгиланган тартибда ёнғин назоратини амалга ошириш мақсадида кўздан кечириши ва текшириши учун ёнғин назорати органларининг мансабдор шахсларига имконият бериши шарт.

Биласиз, ёнғин – назорат қилиб бўлмайдиган ёниш. Фалокат – қутилмаганда юз берадиган воқеа. Унутмангки, фалокат оёқ остида.

**Подполковник
Жаҳонгир ЖУМАНАЗАРОВ,**
Жиззах гарнизони ёнғин
назорати инспекцияси бошлиғи

ЭҲТИРОМ

Ҳарбий хизматчиларнинг ташкилий фаолиятида маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига эҳтиёж сезилади. Аслида, бу борада меҳнат қилиб, юртимиз мудофаасига билвосита ҳисса қўшаётган заҳматкашлар талайгина. Улардан бири Мудофаа вазирлиги савдо бошқармаси бошлиғи Дилшод Мирзаевдир.

1960 йил 1 июнда Қарши туманида туғилган ва Самарқанд кооператив институтининг умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш йўналишини битирган иқтидорли мутахассис 1985–1986 йилларда Беларусь Республикасида ҳарбий хизматни ўтаган.

1988 йили Украина озиқ-овқат саноати институтининг малака ошириш курсида билим ва тажрибаларини бойитиб қайтган қаҳрамонимиз 1996 йилдан Мудофаа вазирлиги савдо бошқармасининг Қашқадарё вилоятидаги ҳарбий савдо ташкилотига раҳбарлик қилди. У вилоятдаги ҳарбий қисмларда умумий овқатланиш, дала, тоғ, чегара машқлари ўтказиладиган полигонларда тезкор савдо, умумий овқатланиш соҳаларида хиз-

МЕҲНАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ



мат кўрсатишни таъминлашда бош-қош бўлди. Хусусан, 2007 – 2012 йилларда кўпгина аскарлар чойхонаси, қандолат цехи, спорт машғулоти лари бўйича маиший хизмат тармоғи ишга тушди. Ҳарбийлар учун керакли буюмлар сотиладиган дўкон, ҳарбий кийим-кечаклар тиқиш цехлари кенгайтирилди. Ҳарбий бош кийимлари ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Ҳарбийларни кредит асосида маиший техника жиҳозлари билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ошпазлар ассоциациясининг «Умумий овқатланиш соҳасига қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони билан тақдирланган Д. Мирзаев 2012 йили Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги савдо бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Кейинги йилларда Мудофаа вазирлиги тизимига олиб борилаётган ислохотлар давомида ҳарбий шаҳарча ва ҳарбий қисмлар ҳудудларидаги, дала-ўқув майдонларидаги ҳарбий савдо дўконлари, умумий овқатланиш, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат тармоқлари тўлиқ капитал таъмирланди, зарур жиҳозлар билан таъминланиб, замонавий объектларга айлантирилди. Жорий йилда муборак 60 ёшни қаршилаётган Дилшод Мирзаевнинг бу борадаги хизматлари алоҳида эътирофга лойиқдир.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ, «Vatanparvar»

МУТОЛААДАН СЎНГ

Инсоният яратилибдики, эрк учун интилади. Узи ва она юртининг хурлиги учун курашади. Ер-суви бўлса-да, озодлиги бўлмаса, уни қайтариш учун жонини ҳам аямайди. Улуғ тарих гувоҳи, Ер юзида бўлган улкан муҳорабаларнинг деярли барчаси ана шу улуғ неъмат – озодликка эришиш учун қилинган. Яқинда қўлимга олганим «Буюк – 75» («Pravo-Press» нашриёти, 2020 й.) китобини ўқиб, тинчлик одамзот учун нақадар муҳимлигини, уни асраб қолиш ҳаётнинг мазмун эканини яна бир қарра ҳис этдим.

Таниқли шоир Салим Ашур қаламига мансуб мазкур асарнинг номидек кишини андак сергаклантиради. Яъни 4 йиллик вақт ва Иккинчи жаҳон уруши жангхоҳларининг оғир ва фарёдли манзараси кўз ўнгингизда гавдаланади.

Шеърини манзумалардан ташкил топган китобда урушнинг даҳшатлари, унинг кўргиликлари жонли тимсолларда кўрсатилади. Китобдан ўрин олган шеърлар олисларда кечган урушнинг яқин ўтмишини, унда мардларча кураш олиб борган ота-боболаримизнинг жасорати ҳақида сўзлайди.

Куйидаги мисраларга қаранг:
41 йилда отилган сен ўқ,
отамнинг қабрида зангладингми ё?
Мен-ку хали сендан қутулганим йўқ,
сендан қутилмади жафокаш дунё.

«...МАНГУ АСКАРЛИККА КЕТГАН ЙИГИТЛАР»



Ҳар қандай асарни ўқир экансиз, уни ҳис этишда аввало асарнинг тили, оҳанги сизни ўзига тартади. Мазкур тўпلامдан жой олган шеърлар жанрлардаги баҳодирларнинг матонати, фронт ортидаги оналарнинг бардоши ва жасорати ҳақида тўлиқ ва тиниқ тасаввур беради.

Қуёш боласини алдаб овутса,
Ўзи пахтазорни этолмайди тарк

каби сатрлари ўзбек аёлининг фидоилигидан сўзласа, «Қаҳрамон она» номли шеърда ўтган аср тузуми ва тутуми учун текин ишчи кучи бўлган содда ва меҳнаткаш халқнинг, хотин-қизларнинг аянчли тақдир ҳақида ҳикоя қилинади.

«Аскарга жўнаш» номли шеърни ўқиркансиз, бўз йигитнинг орта қолаётган падири бузруқворига бўлган меҳри, сўнгсўзи жонли тарзда куйланади.

Шоирнинг ушбу китобида сизу бизни огоҳликка чорлаб турадиган мисралар ўша дилгир, оғир кунлар изтиробини юракка қадар етказилади. Чунончи, «Юрагим! Хавфлисан! Ўқланган тўппончадек хавфлисан», «Халқим, аскариман заҳматларининг», «41 йил олмаси – қирқ биринчи граната», «Орденлар тақиб олган, ўнг почаси бўм-бўш шим», «Тандирни қизитган ғўзапоядек – мангу аскарликка кетган йигитлар» каби содда ва жонли тасвирлар бунга мисолдир.

Пойтахтимизда барпо этилган «Ғалаба боғи» Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, жонларини асраб, жонини фидо қилган ботир жангчиларимизнинг руҳларини шод этадиган хотира



майдонига айланди. Шундай кезларда устоз шоир Салим Ашурнинг мазкур асари ана шундай қаҳрамонларни ёд этишда ҳайрли асар бўлганлиги шубҳасиздир.

Наргиза АСАДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уйумаси аъзоси

СПОРТ ТУРИ

Кроссфит ўзлаштирилмоқда



Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонлиги ташаббуси билан ҳарбий хизматчи ва ходимлар томонидан спортнинг навбатдаги янги тури – кроссфит ўзлаштирилмоқда. Ушбу машғулотлар Миллий гвардия ихтисослаштирилган ўқув-марказининг жисмоний тайёргарлик бўйича инструктори, спорт устаси номзоди Любовь Раҳматуллаева томонидан ўтказилмоқда.

Кроссфит ўзи қандай спорт тури? Унинг ҳарбий хизматчиларга қандай фойдаси бор эканлиги ҳақида мураббийдан сўраганимизда: «Кроссфит оғир атлетика, спорт

гимнастикасини ўзида мужассам этган, юрак мушаклари учун фойдали машқлардан иборат спорт тури. Кроссфит ва функционал тренинг йўналишидаги машғулотлар билан

шуғулланишимиз мобайнида ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ошади, куч-қуввати, чидамлиги мустаҳкамланади, бу эса ўз ўрнида уларнинг доим жисмонан соғлом бўлишига хизмат қилади», деб жавоб берди.

2000 йил Америка Қўшма Штатларида асос солинган кроссфит залларидаги машғулотлар штанга, гимнастик айланалар, турник, эйрбайк, гантель ва шу каби спорт анжомлари ёрдамида ўтказилади. Бироқ бунда шуғулланувчининг тана оғирлиги, тезлиги ва бажариш масофаси инobatга олинади. Асосан аэробика, оғир атлетика, шахсий тана оғирлиги билан ишлашга йўналтирилган машқлар дастури ҳар бир кроссфитер учун индивидуал тарзда шакллантирилиши боис, мазкур спорт тури билан ҳар хил ёшдаги инсонлар шуғулланиши мумкин.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи,
оддий аскар Нафосат ЗАФАРОВА,
Миллий гвардия ахборот хизмати мутахассиси

ХОРИЖ АРМИЯЛАРИДА

Венгрия Қуролли Кучларининг асосий турларидан бири ҳисобланувчи Ҳарбий ҳаво кучларининг жами сони 5,5 минг кишини ташкил этади. Умумий раҳбарлик Венгрия армиясининг Бирлашган қўмондонлиги қўмондони, бевосита раҳбарлик эса унинг ўринбосари – Ҳарбий ҳаво кучлари (ХҲК) қўмондони зиммасига юклатилган. Авиация кучлари ва воситаларини оператив бошқариш ХҲК бошқарув маркази орқали амалга оширилади.



Ҳозирги даврда бу турдаги қўшин таркибидан штаб, авиация бошқарув маркази, 3 та авиация базаси (Кечкемет базаси – жанговар ва ҳарбий транспорт авиацияси учун, Сольник – вертолётлар учун, Папа – НАТО манфаатларида фойдаланилади), радиотехника ва зенит-ракета полклари, шунингдек, бир қатор бошқа қисм, бўлинма ва муассасалар жой олган.

Ҳарбий ҳаво кучлари 3 та авиация эскадрильясига – «Пума» номли қирувчи (JAS-39 «Грипен» типидagi 14 та кўп мақсадли қирувчи самолёт билан таъминланган), «Пума» номли транспорт (Ан-26 русумли 5 та ҳарбий транспорт ва 2 та А-319 типидagi йўловчилар самолёти) ҳамда «Донго» номли ўқув эскадрильяси (Z-242 «Злин» ва L-39 типидagi 6 та самолёт), шунингдек, зарбдор вертолётлар (16 та Ми-24) ва жанговар таъминот вертолётлари (16 та Ми-8/17 ва AS-350) эскадрильясига ажратилган. Бундан ташқари, махсус сақлаш жойларида ҳозирга келиб эскиргани сабабли жанговар техника таркибидан чиқарилган МиГ-21, МиГ-23, МиГ-29, Су-22 типидagi қирувчи, L-39 ва Як-52 типидagi ўқув самолётлари, Ми-24, Ми-8, Ми-2 ва бошқа типдаги вертолётлар бор.

Қабул қилинаётган самолётлар, қўшин ва юкларни жойлаштириш учун кўп тармоқли инфратузилмага ва узунлиги 3 000 метрдан ортиқ учиш-қўниш йўлагига эга бўлган энг муҳим аэродромлар Кечкемет ва Папа авиабазалари ҳудудида жойлашган.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари ва воси-


ВЕНГРИЯ ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

талари «Аррабона» зенит-ракета полкининг иккита дивизиони таркибига киритилган. Уларга қарашли қуроллар таркибида Собик Иттифоқда ишлаб чиқарилган «Куб» русумли зенит-ракета комплекслари (12 та) ва Европанинг «Матра-Бритиш аэроспейс» консорциумидан харид қилинган «Мистраль» типидagi бошқарилувчи зенит ракеталарини ишга тушириш қурилмалари (45 та) бор. Мамлакат ҳаво бўшлиқларини назорат қилиб бориш «Веспрем» радиотехника полки бўлинмалари зиммасига юкланган бўлиб, улар Мишкольц, Бекешчаба ва Медина (пойтахт Будапештдан 100 км жанубда) аҳоли пунктлари ҳудудида жойлашган турли типдаги 2 ва 3 координатли радиолокация станциялари билан таъминланган.

Венгрия Ҳарбий ҳаво кучлари мамлакат ҳудудини ҳаво ҳужумидан мудофаа қилинишни таъминлашдан ташқари, 2014 йилдан буюн қўшни Словения ҳаво бўшлиқларини ҳам назорат қилиб келмоқда. Бундан ташқари, улар НАТОнинг Бирлашган ҳарбий ҳаво кучлари томонидан Болтиқбўйи давлатлари ҳаво бўшлиқларини қўриқлаш бўйича амалга оширилаётган «Балтик эйр полисиниг» операциясига ҳам жалб этилади.

Ҳарбий ҳаво кучлари учун учувчилар таркибини тайёрлаш Сольники шаҳрида жойлашган Авиация ва ҳаво ҳужумидан мудофаа институтида амалга оширилади. Мазкур таълим даргоҳини тугатган учувчилар ўз билим ва малакаларини Канададаги жанговар тайёргарлик курсларида такомиллаштирадilar.

Мамлакат раҳбарияти томонидан қабул қилинган миллий Қуролли Кучларни ривожлантириш дастурларига мувофиқ, асосий саъй-ҳаракатлар мавжуд жанговар техника ва қуролларни модернизациялаш ҳамда замонавий қурол тизимларини харид қилиш, қирувчи, ҳарбий транспорт ва ўқув авиацияси паркини янгилаш ҳисобига ХҲКнинг жанговар имкониятларини янада оширишга йўналтирилган. Жумладан, ҳозирга келиб фойдаланиш ресурсларини ўтаб бўлган Ан-26 русумли ҳарбий транспорт самолётларини алмаштириш учун Фарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган шу турдаги янги самолётларни харид қилиш режалаштирилган. ХҲК вертолётлар паркинги



жанговар қобилиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Европанинг «Эрбас геликоптерс» компанияси билан Н-145 ва Н-225 типидagi янги вертолётларни етказиб бериш, шунингдек, «Россия вертолётлари» акциядорлик жамияти билан Ми-24 ва Ми-8/17 вертолётларини модернизациялаш бўйича тегишли шартномалар имзоланган. Бундан ташқари, махсус вазифаларни бажарувчи бўлинмалар учун АҚШда ишлаб чиқарилган УН-60 «Блэк Хок» типидagi вертолётларни харид қилиш кўзда тутилган.

Ҳаво бўшлиқларини назорат қилиш тизими самарадорлигини янада ошириш мақсадида ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмаларини Фарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган замонавий радиолокация техникаси билан таъминлаш, мавжуд зенит-ракета комплексларини модернизациялаш ишлари амалга оширилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Венгрия Ҳарбий ҳаво кучлари ҳавода жанговар ҳаракатлар олиб бориш, ердаги қўшинларни қўллаб-қувватлаш ва чегараланган қўламдаги ҳаво ташувларини амалга ошириш имкониятига эга. Миллий қўмондонлик ўз Қуролли Кучларини НАТО талабларига мослаштириш мақсадида қирувчи самолётларнинг жанговар шайлигини ошириш, ҳарбий транспорт авиацияси ва вертолётлар паркини имкон қадар янгилашга ҳаракат қилмоқда. НАТОга аъзо бошқа давлатлар Ҳарбий ҳаво кучлари билан ҳамкорликда ўтказиладиган турли даражадаги машқларда фаол иштирок этиш орқали шахсий таркибнинг учиш малакасини мунтазам равишда такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙЛИК



Суриядаги Айн-Иса ва Тель-Тамр аҳоли пунктлари оралигидаги узунлиги 160 км.дан ортиқ бўлган М-4 трассасида автотransпорт ҳаракати бошланди. Бу йўлда ҳаракатланувчи колонналарни Россия ҳарбий полицияси, ҳаводан эса учувчисиз учиш аппаратлари кузатиб боради. Мазкур ҳудудда яшовчи фуқаролар бунгача узунлиги 350 км.гача бўлган айланма йўлдан юриш учун 10 соат атрофида вақт сарфлашларига тўғри келган бўлса, эндиликда бу трасса орқали атиги 2 соатда манзилга етиб бориш мумкин бўлади.

ҚУРИШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ



Россияда биринчи стратегик «стелс» - бомбардимончи самолёт қурилиши бошланди. Бу ҳақда ТАСС мамлакат мудофаа-саноат комплексидаги манбаларга таянган ҳолда хабар берган. Янги ишланмага оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш бошқичи якунига етган, ҳозирда тегишли материалларни етказиб бериш ишлари бошлаб юборилган. Янги самолётни қуриш ишлари 2021 йилда якунланиши, унинг биринчи синов парвози эса 2025 ёки 2026 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган.

САМОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ



Жорий йилнинг 22 май куни Лахордан ички рейс бўйича парвоз қилган «Покистон авиалиниялари» авиаконкомпаниясига қарашли Airbus A320 Карачи аэропортига қўниш вақтида ҳалокатга учради. Самолёт бортида 90 нафар йўловчи ва 8 нафар экипаж аъзолари бўлган, улардан фақат бири киши тирик қолган. Самолёт билан сўнгги алоқа вақтида учувчилар двигателда муаммо юзага келганини маълум қилишган. Мазкур иш бўйича ташкил этилган тергов гуруҳи аэропорт яқинидан самолётга тегишли «қора қути»ни топган.

ХАРБИЙ САНОАТ

Американинг «Нортроп – Грумман» корпорацияси юқори технологияли замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникаларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш соҳасида фаолият олиб борувчи дунёдаги энг йирик компаниялардан бири ҳисобланади. Корпорацияга қарашли корхоналарда, шунингдек, ракета-космик ва авиация техникаси, ракета қуроллари ва уларнинг таркибий қисмлари, турли йўналишдаги радиоэлектрон ускуналар, шу жумладан автоматлаштирилган жанговар бошқарув тизимлари, ҳисоблаш техникаси, алоқа, разведка ва радиоэлектрон кураш воситаларини таъмирлаш, модернизациялаш ва хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилади.

Ҳозирги даврга келиб катта шухрат қозongan маъруз корпорация 1939 йилда «Нортроп эркрафт» авиасозлик компанияси асосида ташкил этилган, 1994 йилда «Грумман» фирмаси қўшиб олинганидан сўнг ўз номи «Нортроп – Грумман»га ўзгартирган. Корпорациянинг замонавий тузилмаси 1990-йиллар охири – 2000-йиллар бошида «Вестингауз электрик» компаниясининг ҳарбий-саноат бўлими (1996 йил), учувчисиз учиш аппаратларини ишлаб чиқарувчи «Райан аэронавтика» (1999 йил), ҳарбий электроника соҳасидаги йирик ишлаб чиқарувчи «Литтон индустри» (2001 йил) компаниялари ҳамда космик аппаратлар ишлаб чиқарувчи TRW корпорацияси харид қилинганидан сўнг шаклланган. 2018 йил ўрталарида АҚШ Мудофаа вазирлиги ва НАСанинг йирик пудратчиси – ракета-космик тизимлар, ракета ва артиллерия қуроллари ҳамда ўқ-дориларини ишлаб чиқарувчи «Орбитал – АТК» корпорациясини қўшиб олиш жараёни ҳам якунига етказилган. «Нортроп – Грумман»нинг штаб-квартираси Вашингтон яқинидаги Фолс-Черч шаҳрида (Виржиния штати) жойлашган.

Фаолият доираси кенгайиб боргани сайин «Нортроп – Грумман» кўп тармоқли трансмиллий корпорацияга айланган ва ҳозирги вақтга келиб Оқ уй (2019 йилда тузилган шартномалар қиймати 11,2 млрд долларни ташкил этган) ва Пентагоннинг (10 млрд доллар) энг йирик пудратчилари ўнлигидан жой олди.

2017 йил якунларига кўра, корпорация умумий даромадининг 85 фоизи АҚШ федерал идораларига етказиб берилган маҳсулотлар, 13 фоизи – экспорт ва 2 фоизи фуқаровий-тижорий харидорлар ҳиссасига тўғри келди. 2017 йилда «Нортроп – Грумман»нинг умумий даромади 5,3 фоизга ошиб, жами 25,8 млрд долларга етди. Бу кўрсаткич 2018 йилда корпорация таркибига «Орбитал – АТК» қўшилганидан сўнг янада ошди. 2015 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда корпорация корхоналарида фаолият олиб бораётган ходимлар сони 70 нафарга етди. «Орбитал – АТК» қўшилганидан кейин эса 80 минг кишидан ошди.

Ҳозирги вақтга келиб «Нортроп – Грумман» корпорацияси таркибидан асосий фаолият йўналиши бўйича шакллантирилган «Аэроспейс системз», «Мишн системз», «Инновейшн системз» (собик «Орбитал – АТК») ва «Технолоджи сёрвисез» сингари бўлинмалар жой олган.

«Аэроспейс системз» (Aerospace Systems – авиацион-космик тизимлар) ҳарбий йўналишдаги учувчисиз учиш аппаратлари, авиация техникаси, ракета ва космик тизимларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, модернизациялаш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан шуғулланади. Бўлинма корхоналарида E-2D «Такосиллаштирилган Хок» типидagi радиолокацион аниқлаш ва бошқарув, B-2A «Спирит»

«НОРТРОП – ГРУММАН»



B-21 «Рейдер» типидagi стратегик бомбардимончи самолётлар, RQ-4 «Глобал Хок», MQ-4C «Тритон», MQ-8 «Файр Скаут», X-47B ва бошқа типдаги учувчисиз учиш аппаратлари, космик аппаратлар, сунъий ер йўлдошлари, турли таркибий қисмлар ва ёрдамчи ускуналар, ракета-ядро зарбаси ҳақида оғохлантирувчи тизим ва турли типдаги разведка воситалари ишлаб чиқарилади.

«Мишн системз» (Mission Systems – жанговар вазибаларни бажариш учун мўлжалланган тизимлар) бўлинмаси радиоэлектрон ускуналар ишлаб чиқариш ҳамда уларни ҳаво ва ракета ҳужумидан мудофаа тизимларига жойлаштириш, ўт очишни бошқариш тизимлари, навигация аппаратларлари, радиоэлектрон кураш воситалари, нишонларни аниқлаш ва кузатиш аппаратларини ишлаб чиқариш, шунингдек, ахборот технологиялари ва кибер хавфсизликни таъминлаш масалалари билан шуғулланади. Бўлинма таркибидagi «Сенсорз энд процессинг» бўлими сенсорли узаткичлар ва маълумотларга ишлов бериш мосламалари, «Сайбер энд Ай-Эс-Ар» бўлими ахборот технологиялари, кибер хавфсизлик, кузатув ва разведка тизимлари, «Эдванд кэпелитиз» бўлими эса илғор технологиялар соҳасида иш олиб боради. «Нортроп – Грумман» корпорацияси АҚШ Қуролли Кучлари, бошқа куч тузилмалари ва ҳукумат органлари учун мўлжалланган радиоэлектрон техника ишлаб чиқарувчи энг йирик компания ҳисобланади.


2018 йилда қўшиб олинган собик «Орбитал – АТК» корпорацияси асосида ташкил этилган «Инновейшн системз» (Innovation Systems – инновацион тизимлар) бўлинмаси турли тоифадаги ракета ташувчилар, ракетага қарши мудофаа тизимлари, ракета двигателлари, шунингдек, ҳарбий ва фуқаро йўналишидаги авиация техникалари учун юқори технологияли таркибий қисмларни яратиш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бунга «Минотавр-1», «Пегас», «Антарес», «Минотавр-4,-5» типидagi ракета ташувчилар ва уларнинг таркибий қисмлари, GQM-163 «Койот» типидagi ракета-нишонлар ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

«Технолоджи сёрвисез» (Technology Services – технологик хизматлар) бўлинмаси «Нортроп – Грумман» ва бошқа компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган ҳарбий техника ва қуролларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва модернизациялаш ҳамда тегишли йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланади. Бўлинма корхоналарида АҚШ Қуролли Кучлари ҳамда бошқа мамлакатларга қарашли объектларда бир неча

йиллар олдин ишлаб чиқарилган B-2A «Спирит» типидagi стратегик бомбардимончи, E-8 «Жистар» типидagi Ҳаводаги қўмондонлик пункти самолётлари, «Минитмэн-3» типидagi қитъаларо баллистик ракеталар, турли типдаги учувчисиз учиш аппаратлари, қурол тизимлари ва радиоэлектрон аппаратларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилади.

«Нортроп – Грумман» корпорацияси раҳбарияти илғор технологияларни ўзлаштириш, инновацияларни излаш ва жорий этиш масалаларига катта эътибор қаратади. Келажакда асосий илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини истиқболли зарбдор тизимлар, шу жумладан B-21 «Рейдер» типидagi стратегик бомбардимончи самолётлар ва қитъаларо баллистик ракеталар (GBSD дастури бўйича), шунингдек, робот техникаси ва автоном (учувчисиз) тизимлар, киберхавфсизлик ва ахборот технологиялари, радиоэлектрон кураш воситалари, йўналтирилган энергия тизимлари, истиқболли космик тизимлар, шу жумладан узоқ космосни тадқиқ қилиш учун мўлжалланган станцияларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришга йўналтириш кўзда тутилган.

П. СОБИТОВ тайёрлади.



БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН



«Толибон» террорчилик ташкилоти Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан уч кун давомида ўт очишни тўхтатиш таклифи билан чиққанидан сўнг Афғонистон Президенти Ашраф Ғани маъруз ташкилотнинг асирга олинган икки минг нафар аъзоси озод этилишини маълум қилди. Бу асирларни озод қилиш «тинчлик жараёни муваффақиятини таъминлаши мумкин бўлган» яхши ният белгисига айланади. «Мамлакат ҳукумати ташкилот билан музокараларни давом эттиришга тайёр», деди Ашраф Ғани.

ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯ ТАЙЁРЛАНАДИ



Қозоғистон Бош вазири Аскар Мамин Қишлоқ хўжалиги вазирлигига акиматлар билан ҳамкорликда ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича комплекс дастурнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. «БМТнинг озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ҲАО) баҳосига кўра, Қозоғистон АҚШ, Австралия, Бразилия ва Аргентина билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги соҳасида катта салоҳиятга эга мамлакат ҳисобланади», деди А. Мамин.

ЧЕГАРАДА ОТИШМА



Қирғизистон ва Тожикистон чегарасида ҳар икки мамлакат чегарачилари ўртасида отишма содир бўлди. Бу ҳақда Қирғизистон давлат чегара хизмати матбуот маркази хабар берган. Маълумотларга кўра, мол боқиб юрган тожикистонлик чўпонлар чегара ҳудудига яқинлашиб келган. Қирғизистон чегарачилар наряди бунинг олдини олишга ҳаракат қилган. Шундан сўнг уларга қарата қўшни ҳудуддан ўт очилган. Ҳозирда тегишли идоралар вакиллари маъруз ҳолат бўйича музокаралар олиб бормоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

67 йилдирки дунёнинг кўп мамлакатларида 1 июнь санаси Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида нишонланади. Бу сана дам олиш куни деб эълон қилинмасда, болаларнинг ҳақиқий байрами сифатида аҳамиятлидир. Келажак тарих билан бунёд этилади, дейилганидек, ушбу байрамнинг ҳам ўз тарихи бор. Куйида шу ҳақда сўз юритамиз.

Тарих ва анъана



1949 йилда Парижда аёлларнинг Халқаро демократик федерацияси конгресси бўлиб ўтади. Бу конгрессда болаларнинг бардамлиги ва бахт-саодатининг кафолати бўлган мустаҳкам тинчликни таъминлашга қаратилган шiorлар янграйди. Зеро, урушдан кейинги даврда сайёрамиздаги болажонларнинг соғлиғи ва хотиржамлигини сақлаш долзарб муаммога айланиб қолган эди. Ниҳоят, 1950 йилдан эътиборан 1 июни Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида нишонлаш анъанага айланди.

Нима учун нишонланади?

Кенг жамоатчилик диққатини муаммоли болаларга, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, ҳимояланган дунёда яшаш имко-

ниятларига, бахтли болаликка эга бўлишларига ва ўз мамлакатининг тўла-тўқис ва хотиржам фуқароси бўлиб ўсишларига қаратиш мақсадида нишонланади. Таҳлилчиларнинг сўзларига қараганда, ҳар йили 11 миллионга яқин бола беш ёшга етмай ҳалок бўлади. 10 миллионга яқин бола эса жисмоний ва руҳий бемор сифатида табиий ривожланишдан тўхтамоқда. Африканинг бир қатор мамлакатларида очликдан ўлаётган миллионлаб болалар ҳам глобал даврнинг долзарб муаммосига айланган. Энг ачинарлиси, 1984 йилдан бери Нигерияда озиқ-овқат инкирози давом этмоқда. Бу мамлакатда одамлар, шу жумладан, болалар ҳам дарахт барглари ва майса-ўтларни еб кун кечиришга маж-

бур бўлмоқда. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, бир кунда Афғонистонда ўрта ҳисобда 275 нафар бола вафот этаётгани таъкидланади.

Қандай ўтказилади?

Дунё мамлакатларида байрам асосан болалар ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш ҳақидаги мунозара ва маърузалар ўтказиш билан нишонланади. Унга олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, таниқли психологлар тақриф этилади. Шунингдек, ушбу кунда турли-туман қувноқ ва маданий оммавий тадбирлар, спорт мусобақалари, концертлар ўтказиш ҳамда оғир бемор, даволанишга муҳтож ва ногирон болалар учун хайрия акциялари ташкил қилиш ҳам анъана тусига кирган.

ҚИЗИМ-ЎҒЛОНИМ

Тож – давлатим эрусан, ўғлим,
Бахт – гавҳарим ўзингсан, қизим.
Сизлар сабаб тоғ эрур кўксим,
Сизлар борки, сўнмас юлдузим.
Қуримагай боғ-гулистоним,
Босар изим – қизим-ўғлоним.

Ҳаёт – синов, ҳаёт – саховат,
Сирли дунё демаслар бежиз.
Фарзанд борки, чекинар узлат,
Асло ўчмас сен қолдирган из.
Нурсиз қолмас манзил-маконим,
Истиқболим – қизим-ўғлоним.

Ватан эрур инсоннинг тожи,
Ҳаловати, тахти-равоти.
Фарзандлари умрин қувончи,
Самоларга етар қаноти.
Бардавомдир давру давроним,
Фароғатим – қизим-ўғлоним.

Ўғил-қиз-ла обод хонадон,
Завол топмас элдаги ўрнинг.
Оқил фарзанд умрингга дармон,
Юзинг ёруғ, ёруғдир йўлинг.
Авлодимга пайваста жоним,
Жавоҳирим – қизим-ўғлоним.

Болам, сенга омонат бу юрт,
Мардона бўл, бўлмагил гофил.
Ватан дейди ҳар имони бут,
Элим дея ёнар бедор дил.
Сенга инъом Ўзбекистоним,
Жонда асра, қизим-ўғлоним!

Зулфия ЮНУСОВА

Тарбияда эътиборли бўлинг

Болалар – ота-онанинг умиди, ишончи. Шундай экан, фарзанди келажагидан умидвор ота-она энг аввало, уларга тўғри тарбия беришни ҳам билиши лозим. Негаки, донишмандларнинг таъкидлашича, агар:

- бола танқидий руҳда яшаса, у айблашни;
 - бола кўркүвда яшаса, у кўрқоқликни;
 - боланинг устидан кўп қулишса, уятчан бўлишни;
 - бола қизиқиш билан яшаса, у ҳавас қилишни;
 - бола уят билан яшаса, у айбдорлик ҳиссини;
 - бола қўллаб-қувватлаш билан яшаса, у ўзига ишонишни;
 - бола бағрикенгликда яшаса, у сабрли бўлишни;
 - бола мақтов билан яшаса, у қадрлашни;
 - бола ростгўйлик ва адолатда яшаса, у ҳақиқат ва адолат нималигини ўрганати.
- Унутманг, фарзандлар бир ота-онадан**



туғилса-да,
кўриниш,
характер,
қобилият
жиҳатдан
бир-бири-
дан фарқ
қилади. Бир
хил палак-
дан ҳар хил
хамак, дейишганининг
сабаби ҳам шун-
дан бўлса керак.
Уларни маънан бир
хил қиёфага келтириш
учун эса ота-она
меҳр-муҳаббат ва тарбия
булоғи билан
сўғориши лозим.
Ана шунда кўзлаган
мақсадингизга етасиз.

Мавзуга оид қизиқарли фактлар

Англияда агарда бола шамолласа, унинг тана ҳарорати ошиб йўталса, у касал ҳисобланмайди ва мактабдаги дарсларни қолдиришга руҳсат берилмайди.

Бельгияда кичкинтойлар 3 ёшдан бошлаб мактабга боришади.

Европада энг тарбиясиз болалар италияликлар ҳисобланади. Улар жамоат жойларида ўзларини тутишни билишмайди.

Гонконгда бола учун энага ёлланилмайди. Болалар чақалоқлигиданок боғчага берилади.

Бразилияда бола учун энг олий жазо – уни футбол ўйнашдан маҳрум қилишдир.

Кубада, ҳаттоки, 7-8 ёшдаги болалар ҳам дарсдан сўнг ишлашга мажбурдир.

Германияда 90 фоиз оилаларда 8 ёшгача болага телевизор кўриш тақиқланади, 8 ёшга кирганида эса унга фақатгина болалар учун мўлжалланган кўрсатувларни томоша қилишга руҳсат берилади.

Г. ҲОЖИМУРОВА тайёрлади.



O'GITLAR

Saidjon bog'chadan qaytsa, Shokir amakisi boshiga oq ro'mol tang'ib, ishkamdagi tok novdalarini kesyapti. U oftob tig'ida hassasiga suyanib o'tirgan bobosiga:

- Buvajon, nega amakim uzumni kesyaptilar? - deya qichqirib qoldi.

- Uzumni emas, tokning keraksiz novdalarini kestiryapman.

- Nega bo'lmasa o'zingiz kurtakni ayanglar, deysiz? Oyim tokoshiga barg uzsalar koyiysiz.

- Ko'klamdagi novda mustahkam o'ssin, deymanda!

- Buvajon, qarang, amakim tokni ayamay kesyaptilar! - dedi Saidjon sochilgan novdalarga achinib.

- Agar uzum, anor, o'rik kabi mevali daraxtlarning ortiqcha novdasi vaqtida kesilmasa, ular to'liq hosil bermaydi.

Siroj bobo anor shoxlarini avval kanop bilan ixcham bog'ladi. Keyin yonidan uzun bo'y baravar ariqcha qazib, uni yotqizdi. Saidjon etikcha kiyib ko'chatni mahkam bosib turdi. Bobosi ketmon bilan tuproq tashladi. Anjir daraxtini ham shunday tez ko'mishdi.

- Bobojon, ularni ko'mmasak-chi? Baxtiyorlar hech qaysi mevali daraxtni ko'mishmaydi.

- Hosil olaman, degan odam mehnatdan erinmaydi.

Faqat tokning ishi qiyin ekan. Siroj bobo uning qalin novdalarini kesib, asta egdi. Uch-to'rt joyidan kesib bog'ladi. Pastki yo'g'on qismiga qoziq qoqdi. Arqon bilan sirib unga birlashtirdi. Somon, qamish bilan novdani o'rab, yana yengil bog'ladi-da, yaxshilab ko'mdi.

- Bobojon, toklarni bahorda kesa qolsak nima qiladi?

- Ko'klamda yangi novdalar xomtok qilinadi. Eski shoxlardan suv oqib, kasallanadi.

- Har yili shunday qilaveramizmi?

- Aytdim-ku, uzum yeyishni xohlagan odam mehnatidan qochmaydi.


Saidjon keyinchalik har joyda, har xil toklarni ko'rdi. Ba'zilar anor, anjirlarni tik turganacha yotqizib, shunday somon, mato yoki klyonkalar bilan o'rab-chirmab asrashar ekan.

Shahar joylarda toklar umuman ko'milmay ishkamda qolib ketaverar ekan.

Saidjon bolaligida bobosidan ko'rgan-eshitgan o'gitlarini sira yodidan chiqarmaydi.


M. TO'LAGANOVA

КРОССВОРД



Ranglar jilosi

Bolajonlar, suratlarni bo'yang va farqini toping.



LABIRINT



ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ БУ ИЛЛАТНИ ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТАДИ?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда катта ёшдаги аҳолининг учдан бир қисми ёки тахминан 1,2 миллиард киши тамаки чекади. Тамаки ҳар йили 3,5 миллион кишининг ўлимига сабаб бўлиб, бу ҳар куни 10 минг киши ҳаёт билан видолашади дегани. Ҳар йили дунё аҳолиси триллиондан ортиқ сигарет чекади.

Аслида чекувчиларни «таъқиб қилиш» XV асда Европада бошланган. Қитъада чекишга қарши чоралар тамаки пайдо бўлишдан олдин амалга оширилган. Христов Колумб экспедициясининг бир аъзоси тамаки истеъмол қилгани учун «фақат шайтонгина одамга бурун тешигидан тутун чиқара олиш қобилиятини беради», деган ҳукм билан қамалган.

Бугунги кунда дунёдаги деярли барча мамлакатда ушбу одат билан курашишнинг ўзига хос усуллари мавжуд. Қуйида улардан айримларини келтириб ўтамиз.

Германияда 1934 йилдан бери чекишга қарши кураш олиб борилмоқда – яқин тарихдаги биринчи тамаки чекишга қарши кураш давлат дастури ишлаб чиқилди. Тамаки бўйича рекламаларга чекловлар жорий қилинди, кафе ва ресторанларда тамаки тутатиш чекланди. Замонавий Германияда жамоат транспортининг барча турларида, шунингдек, таксиларда чекиш тақиқланган. Сигаретлар фақат 18 ёш остонасидан ўтган фуқароларга сотилиши мумкин. Маълумки, Германияда чекиш учун танаффуслар ажратилган. Аммо ўз ихтиёри билан чекишдан воз кечганларнинг вақтлари умумлаштирилиб, меҳнат таътилига қўшиб берилган.



Италияда жарималарнинг исботланган усуллари билан курашишни афзал кўришади: жамоат жойида чекилган тамаки италияликка икки юз эллик еврога тушиши мумкин, агар яқин атрофида ҳомиладор аёл ёки бола бўлган жойда шу иши учун қўлга тушса, жарима автоматик равишда бир ярим минг еврога чўтарилади. Деярли ҳар қандамда жамоат жойларида чекиш қатъиян тақиқланиши ҳақидаги пешловҳаларни кўришингиз мумкин.

Швецияда раҳбарият томонидан чекишни ташлаган ходимларга қўшимча пул мукофотлари ёзилган. «Чекмайдиған авлод» умуммиллий компанияси 1975 йилдан кейин туғилганларга ўз таъсирини ўтказган. Агар швед талабаси стипендия олишни истаса, у чекишни ташлаши керак бўлган. Ушбу қарорни стипендия тарқатдиған фонд чиқарган.

Норвегия 2004 йилда тамаки махсулотларининг нархини 1,5 баробар оширди. Бу бошқа чоралар билан биргаликда

фуқароларнинг сигареталардан оммавий равишда воз кечишига сабаб бўлди.

Исландия ҳукумати биринчи бўлиб 1992 йилда жамоат жойларида чекиш бўйича, 2012 йилда эса тамакининг чакана савдоси бўйича тақиқ ўрнатган. Уларни сотиб олиш учун эса шифокор кўрсатмаси талаб қилинади.

Чекишни ташлаган ёки бу зарарли одатга қарам бўлмаган

Голландия фуқароси давлат томонидан рағбатлантирилиши мумкин: бунинг учун у махсус синовлардан ўтиши талаб этилади. Агар текширувда чекишга бўлган мойиллиги аниқланмаса, фуқаро ҳар ойлик маошига қўшимча равишда 200 доллар олиши белгиланган.

Венгрияда тақиқланган жойда чекиш 125 АҚШ доллари, савдо қоидаларини бузганлик учун 420 АҚШ долларигача миқдоридан жаримага тортилади.

Туркияда чекишга қарши курашнинг ўзига хос усули мавжуд. Болаларга ёмон намуна бўлмаслик учун катталарга чекиш тақиқланган. Мабодо турк чекишга қарши тартибни бузса, у камбағалларга бир қоп ун ёки шакар беришга мажбур. Бу мамлакатда зарарли одатларидан қутулган инсонларнинг маслаҳатлари тўпланган музей ҳам мавжуд.

С. МАМИРЖОНОВА
тайёрлади.

БИР ЧИМДИМ

Шошмайдиған
киши ҳамма
нарсага улгуради.

Михаил БУЛГАКОВ

БИЛАСИЗМИ?

Биринчи жаҳон урушида у кашф этилмагани учун 10 минглаб жангчиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлмаган. Ўша даврда нима кашф этилмаган эди?

«inʈədəg wətʈə ɛjɪt
-итиғ жодғат џиниғдә ниллиғ
-инәҗ нәҗлиғе фтәҗ ниллиғ
-инәҗ пәшә 1928 йилдә:»
жавоб:

БИЛАСИЗМИ?

Бу ихтирочи ҳаёти давомида кўпгина кашфиётларга муаллифлик қилган. Пар билан юрадиған самолёт, занжир ғилдиракли трактор ва ҳ.к. У миллионлаб кишиларнинг ўлимига сабаб бўлган ихтиросига ўз номини берган. Шу ихтироси учун у барон унвонига ҳам эришган. Унинг исми фамилияси ким?

«иширәти итиғи
«Максим»
«фә-»
жавоб: исми Хайрәм-фә-»

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Саман от,
канизак ва ер
ҳақида ривоят

Ҳарбий
шифокорлар
жасорати

VATANPARVAR

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир:

майор
Аҳрор ОЧИЛОВ

Навбатчи:

Исломжон ҚУЧҚОРОВ

Саҳифаловчилар:

лейтенант
Рамиз ВАЛИЕВ

Роберт ИСЛАКАЕВ

Мусахҳиҳлар:

Муҳаррам КАМОЛОВА
Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА
Мастура ҚУРБОНОВА

Телефонлар:

71-260-36-50
Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган тахририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанин етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-562

Ҳажми: 6 босма табоқ.

Бичими: А3.

Адади: 34 345 нусха.

Босишга топшириш вақти:

14:00.

Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.

Баҳоси: келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:

100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.